БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 77 (16.767). | 3 апрель 1977 йил, якшанба | Баҳоси 2 тийин.

# ИЖОДКОРЛАРНИНГ ШАРАФЛИ БУРЧИ

1977 йил социалистик тузум солномасида алоҳида тарихий аҳамиятга молик бир йил ҳисобланади. Бу йил — мислсиз юксак марралари партиямизнинг XXV съезди минбаридан белгилаб берилган ўнинчи беш йилликнинг музаффар иккинчи даврини ва инсоннят тарихида янги даврни бошлаб берган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг табаррук 60 ёши прогрессив башарият томонидан кенг ва қизғин нишонланадиган йилдир. Бу йил — ленинча КПСС бошчилигида кўпмиллатли совет халқи ягона ва улуғ мақсадлар йўлида жанговар 60 йил давомида олиб борган қаҳрамонона кураши ва меҳнати эпопеясининг зарварақларга бой янги бир боби бўлиб тарихга кирадиган йилдир.

КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорини мамлакатимиз меҳнаткашлари юбилей йили учун ўзларининг жанговар программаси сифатида қабул қилдилар. Унда улуғ байрам муносабати билан ташкилий-сиёсий ва ғоявий-тарбиявий ишларни янада кучайтириш вазифаси белгиланиб, хусусан, шундай дейилади: «Коммунистик бунёдкорлик улуғвор планларини амалга ошириш учун, партия XXV съезди тарихий қарорларини бажариш учун қурашда совет кишиларининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиги, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлилари фидокорона меҳнатининг жуда катта социал аҳамияти ёрқин кўрсатиб берилсин. Партиянинг иқтисодий стратегияси ва социал сиёсати бутун воситалар билан пропаганда қилинсин».

Маданиятимиз арбоблари ва ходимлари ҳам фидокор халқимиз қаторида бу улуғ санага қизғин тайёргарлик кўрар эканлар, КПСС Марказий Комитети қароридан келтириб ўтилган юқоридаги сатрлар уларнинг ўзларига ҳам алоқадор эканлигини юксак масъулият билан ҳис этмоқдалар. Бадиий маданият аҳли улуғ байрамни ижодда янги ютуқларни қўлга киритиш билан нишонлаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Улар Улуғ Октябрнинг мамлакатимиз халқлари ва бутун инсоният тақдиридаги оламшумул тарихий аҳамияти, совет ҳокимияти даврида республикамизда юз берган мислсиз ўзгаришларни, янги турмуш қурилишида Коммунистик партиянинг ҳал қилувчи бунёдкорлик ролини, қардош совет халқларининг бир мақсад йўлидаги метинден мустаҳкам дўстлигини, ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонларнинг, совет зиёлилари ва шонли ёшларимизнинг коммунизм йўлидаги қаҳрамонона курашини бадиият воситалари билан моҳирона тасвирлаб кўрсатувчи асарлар яратмоқдалар. Яқинда Москвада бўлиб ўтган Узбек киноси кунида муваффақиятли намойиш этилган атоқли ўзбек кинорежиссёри, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Ерматовнинг «Узоқ-яқин йиллар» бадиий фильми, Ҳамза номли Узбек давлат Академик драма театри ҳам яқинда москвалиқ томошабинларга кўрсатадиган атоқли адиб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Яшининг «Инқилоб тонги» драмаси, Алишер Навоий номли Узбек давлат академик Катта опера ва балет театрида саҳналаштирилаётган композитор С. Юдаковнинг «Ғалаба» опера-ораторияси, Максим Горький номли рус Академик драма театри репертуаридан ўрин олган Н. Погодиннинг «Учинчи патетика», «Еш гвардия» театри саҳналаштирган Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» спектакллари Улуғ Октябрь 60 йиллигига бағишланган шу кунларнинг энг яхши асарларидир. Йил давомида бундай асарлар яна кўплаб яратилишига ишончимиз комил.

Ҳозирги кунда республикамиз ижодий союзлари, маданият ва санъат муассасалари ҳамда редакция-нашриёт коллективларида Улуғ Октябрь байрамини муносиб кутиб олишга оид муҳим тадбирлар белгилаб чиқилди. Улуғ байрам шарафига бағишлаб республикамизда ўтказиладиган ана шундай йирик маданий воқеалардан бири кўпмиллатли совет адабиёти кунларидир. Узбекистон Ёзувчилар союзи бу муҳим тадбирга ҳозирданоқ катта тайёргарлик ишларини бошлаб юбориши керак. Узбекистон Рассомлар союзи ҳам Улуғ Октябрь байрамига атаб «Ленин йўлидан» деб аталувчи йирик тасвирий санъат кўргазмасини тайёрламоқда. Республика Маданият вазирлиги Қишлоқ хўжалик министрлиги билан ҳамкорликда бадиий ҳаваскорлик коллективларининг кўригини ўтказади. Шаҳар ва қишлоқларда кинофестивраллар. В. И. Ленинга, Коммунистик партия ва унинг ленинча миллий сиёсатига, шонли революционерларга, совет кишиларининг жанговар меҳнат қаҳрамонликларига бағишланган тематик кўргазмалар уюштирилади, Республика Архитекторлар союзи Маданият министрлиги билан биргаликда «Озод Шарқ қизи» монументининг лойиҳасини ишлайди ва яна бошқа қатор тадбирларни амалга оширади.

Октябрнинг 60 йиллиги умумхалқ кўтаринкилиги социалистик реализм адабиёти ва санъатининг янги, ленинча партиявийлик руҳи билан суғорилган, замонамизга муносиб асарлар яратилишида илҳомбахш омил бўлиши шубҳасиздир. Ҳозирги кунда адабиёт ва санъатнинг энг яхши асарлари учун ўтказилаётган конкурслар бунда, шубҳасиз, ижобий роль ўйнайди. Республикада адабиёт ва санъатни янада ривожлантириш, Узбекистон меҳнаткашларининг коммунизм қуришда эришган жуда катта муваффақиятларини чуқур ва ёрқин акс эттирувчи янги салмоқли бадиий асарлар яратиш мақсадида Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Совети Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган энг яхши адабиёт ва санъат асарлари учун республика конкурсини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бундай конкурсларни Узбекистон ССР Маданият министрлиги республика Ёзувчилар союзи ва Архитекторлар союзи билан биргаликда, Узбекистон Театр жамияти республика Министрлар Советининг Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети билан биргаликда ҳамда турли матбуот органлари ва маданият муассасалари ҳам ўтказмоқдалар. Эндиги вазифа шуки, ижодий союзлар, маданият ва санъат муассасалари зарур ташкилотчилик ишларини олиб боришлари, конкурсларнинг самарадорлигини ошириш, уларни юқори савияда ўтказиш чораларини кўришлари керак.

Октябрь солномаси ва бугунги жўшқин давримиз билан боғлиқ бўлган муҳим мавзулардаги асарларни яратиш ишига сўзсиз, энг талантли ва, шу жумладан, истеъдодли ёш кучларни ҳам жалб этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари юбилейга тайёргарлик давомида матбуот, «экранлар» ва радио тўлқинлари орқали публицистларимизнинг жўшқин овозлари баралла янграмоғи лозим. Социалистик турмуш тарзининг афзалликларини, совет кишисининг бой маънавий дунёсини янги ёрқин асарларда кўрсатиб бериш ижодкорлар олдида турган ғоят олижаноб ва масъулиятли вазифадир.

Ижодий союзлар, маданият ва санъат муассасалари бошланғич партия ташкилотларининг кун тартибидаги вазифаси шундан иборатки, улар белгиланган шу муҳим режаларни ўз вақтида амалга оширишни қатъий назорат остига олишлари, бадиий ижодкорларни улуғ сана муносабати билан янги ижодий изланишларга руҳлантира билишлари зарур.

Шубҳа йўқки, республикамиз маданият аҳли ҳам юбилей йили умумхалқ ташаббускорларига «лаббай!» деб қўшилиб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXV съездида таъкидлаб ўтганидек, бадиий сўз, бўёқлар жилоси, тошдаги нақшлар, товушларнинг оҳангдорлиги воситалари билан замондошларимизни илҳомлантирадилар, авлодимиз, давримиз, унинг ҳалжонлари ва бунёдкорликлари тўғрисидаги хотиралари келажак наслларга етказувчи муносиб асарлар яратадилар.

◆ РЕСПУБЛИКА МЕҲНАТКАШЛАРИ УЛУҒ ОКТЯБРЬ ЮБИЛЕЙИ ШАРАФИГА МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

◆ ДЕҲҚОНЛАР ДАЛА ИШЛАРИДА СУРЪАТГА СУРЪАТ ҚУШМОҚДАЛАР

◆ ПИЛЛАЧИЛАРНИНГ МУҲИМ ТАДБИРЛАРИ

## ШОЛИКОРЛАР АҲДИ

ТЕРМИЗ. [«Совет Узбекистони» мухбири]. Сурхон воҳасидаги шоликор хўжаликлар қулай фурсатлардан фойдаланиб, шоли экишни ўтган йилга нисбатан анча барвақт бошлаб юбордилар. Ҳаммадан олдин ерга уруғ ташлаган Гагарин районидаги «Искра» совхози нинг Файзулла Ўринов, Саодат Элмуродова бошлиқ бригадаси аъзолари махсус сеялкалар билан уч кун ичида шоли экишни сифатли тугаллаб, пайкалларга сув қўйдилар.

Шу кеча-кундузда совхозда ги 20 ҳайдов трактори ва 20 сеялка тўхтовсиз ишлаб турибди. Ҳар бир сеялка билан кунига 15-20 гектар майдонга уруғ экиляпти. Бу илғор хўжалик шоликорлари қутлуғ йилда 2300 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 38,5 центнер ўрнига 65 центнердан, жами 15 минг тонна шоли етиштиришга ахд қилдилар. Совхознинг Дўстмурод Элмуродов, Нурмамат Ҳимматов ўртоқлар бошлиқ юқори ҳосилли бригада ва звенолари аъзолари гектаридан 110 центнердан шоли етиштириш мажбуриятини олдилар. 100-110 центнерчилик ташаббусига совхоздаги 9 илғор бригада коллективи лаббай деб қўшилди. Хўжалик шоликорлари экишни кечи билан 15-20 апрелгача, ўтган йилдагидан 10-15 кун барвақт тугаллашга сўз бердилар. Шу райондаги «Шоликор» совхозида ҳам шоли экиш бошлаб юборилди.

Область шоликорлари бу йил ўтган йилдагидан қарийб икки баравар кўп, яъни 30 минг тонна шоли етиштириш мажбуриятини олдилар. Бунинг учун бултургидан 500 гектар кўп ёки 5500 гектар майдонга шоли экилади.

А. ХАЛИЛОВ.

## МАККАЖЎХОРИ УНИБ ЧИҚДИ

**Чуст районидаги Ленин номли колхоз деҳқонлари маккажўхорини ўтган йилдагига нисбатан ярим ой илгари экиб бўлдилар. Улар Наманган областидаги бошқа хўжаликларга нисбатан маккажўхорини ўн беш кун олдин экишга муваффақ бўлдилар. Мана дастлабки кўм-кўк қаторлар кўриниб қолди.**

**Т. Жоматов, Т. Шарипов ва К. Ўринов бошлиқ пешқадам бригадалар ҳар гектар ердан 70 центнер маккажўхори дони ва 500 центнердан кўчпоя олишга ахд қилдилар.**

**Жиззах область Пахтакор районидаги Акмал Икромов номли совхоз бу йил 450 гектар майдонга маккажўхори дони экяпти. Пландаги 1800 тонна ўрнига 2700 тонна кахрабо дон етиштириш учун курашилмоқда. Шу кунларда хўжалик далаларида маккажўхори экиш деярли поёнига етди. Суратларда: [юқорида] совхознинг бўлим бошлиғи Б. Бўтаев, партия ташкилотининг секретари А. Тўратов ва механизатор Н. Эшонқуловлар. Пастда маккажўхори экиш пайти акс эттирилган.**

А. Тўраев фотолари.



## 317,8 ТОННА «КУМУШ ТОЛА» УЧУН

Уйчи район пиллакорлари бу йил 4850 қути қурт уруғи боқиб, ҳар қутисидан пландаги 61,7 килограмм ўрнига 65,5 килограммдан «кумуш тола» олишга ахд қилишган. Она-Ватанга 317,8 тоннадан зиёд пилла етиштириб бериш йўлида унумли меҳнат қилаётган уйчилик заршунослар мавсумга тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказмоқдалар.

Пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериляпти. Тутзорларни ҳайдаш, озиқлантириш, суғориш ишлари юксак агротехника талаблари асосида олиб борилмоқда. Районда янги тутзорлар барпо этишга ҳам катта эътибор бериляпти. Шу баҳорда ўтказилган 300 минг тупдан ортиқ тут кўчатлари яхши парваришланмоқда.

Қ. ТУРАЕВ.

## ИПАК ПАХТА КЎПАЯДИ

«Средазгипроводхлопок» ва «Средазгипроцелинстрой» институтлари Қарши даштининг иккинчи навбатини ўзлаштириш лойиҳасини тузиб чиқишни тамомладилар. 1980—1990 йилларда бу ерда 167 минг гектар қўриқ ерни экинзор қилиш мўлжалланади. Бунга Қашқадарёнинг ўнг соҳили — Ульянов канали билан Қарши магистрал канали ўртасидаги ерлар, шунингдек Қарши ва Косон районидаги ерлар киради.

Чигит экишга мўлжалланган 95 минг гектар майдондан 53 минг гектари ингичка толали пахта экишга ажратилади. Ҳар бир совхозга 5-6 минг гектар ер биркитиб қўйилади, айни пайтда ҳар бир ишчига 10 гектардан — даштни ўзлаштиришнинг биринчи навбатидаги хўжаликларга нисбатан бир ярим баравар кўпроқ ер тўғри келади. Дала ишларини комплекс механизациялаштириш ишни бундай даражага эришиш имкониятини беради.

Мутахассислар янги ерларни сув билан таъминлашга алоҳида эътибор беришган. Далалар Қарши магистрал каналидан сув ичади. Бу каналда умумий қуввати юз минг киловатт қувватли янги насос станциялари қурилади. 150 миллиард кубометр сув сиғадиган Қорабайир қўлбола денгизи тўлқинланиб туради.

Сув хўжалиги ишларининг миқёсини қуйидаги рақамлардан билиш мумкин: хўжаликлараро мовий магистраллар 250 километрга чўзилади, хўжалик ичкарисидаги сув шохобчалари 4720 километрга боради. Олти минг километр масофада зовур қурилади. Сув шохобчаларини телемеханика воситаси билан бошқариш мўлжалланади, ғўзани суғориш учун ер ости сувларидан фойдаланилади.

Даштнинг янги массивларида якин келажакда йилига 263 минг тонна пахта, шу жумладан 155 минг тонна ингичка толали пахта, қарийб 19 минг тонна сабзавот, 37 минг тонна картошка ва бошқа дала неъматлари, полиз маҳсулотлари ва мева етиштирилади. Қўриқ ерда йилига 112 минг тонна сут, 17 минг тонна гўшт ва салкам 5 миллион дона тухум тайёрланадигани бўлади.

Даштнинг иккинчи навбати комплекс ўзлаштирилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ 32 та янги аҳоли пунктларининг лойиҳалари тузиб чиқилди. Аҳоли яшайдиган ҳар бир пунктда шинам уйлар, мактаб, боғча ва яслилар, клуб, ёзлик кинотеатр, савдо маркази бўлади. Қашқадарё областининг ана шу зонасида 80 минг аҳоли истиқомат қилади.

Ҳозир олимлар ва лойиҳаловчилар Қарши даштининг учинчи навбатини ўзлаштириш лойиҳасини тузишга киришмоқдалар.

## ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ИШИ САВИЯСИНИ ОШИРАЙЛИК

Мудофаа жамияти республика ташкилоти активининг кенгашида Узбекистонда оммавий мудофаа ишининг аҳволи ва ДОСААФ ташкилотларининг КПСС XXV съезди қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди. Кенгашда СССР ДОСААФ Марказий Комитети раисининг биринчи ўринбосари генерал-полковник А. И. Одинцов доклад қилди.

Кенгаш қатнашчилари ҳарбий-техникавий спорт турларини янада ривожлантиришнинг, ватанпарварлик жамияти бошланғич ташкилотларига раҳбарликни яхшилашнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар. СССР ДОСААФи VIII съезднинг талабларини ва Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга қаратилган тадбирлар белгиланди. (ЎзТАГ).

## СОВЕТ ҲАРБИЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ГДРГА ВИЗИТ ҚИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов бошчилигидаги Совет ҳарбий делегацияси ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР миллий мудофаа министри, армия генерали Г. Гофманнинг таклифига биноан 1977 йил апрель ойининг ўрталарида расмий дўстлик визити билан Германия Демократик Республикасига боради.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АКТУАЛ ПРОБЛЕМАЛАРИ

Узбекистон журналистлар Союзи Тошкент бўлими томонидан уюштирилган матбуот конференцияси ана шу темага бағишланди. Матбуот конференциясида республика газета ва журналлари, Узбекистон телевидениеси ва радиоси, ЎзТАГ ходимлари, марказий газеталарнинг Узбекистондаги мухбирлари қатнашдилар.

Узбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри ўртоқ А. А. Уркинбоев республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг актуал проблемалари ҳақида гапириб берди ҳамда журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

РЕПОРТАЖ

# ДАЛАЛАР УЙҒОҚ

Навбаҳор бошланганига бир ойдан ошди. Шундан буён деҳқон ҳар куни далага йўл олади. Унинг юмуши ошиб-тошиб ётибди. Даставвал кузги ғалласининг ҳолидан хабар олди. Ахир ҳазилакам қиш бўлмади. Ерга кўрпа бўлган қапин қорнинг ўзига яраша қаҳратон совуғи ҳам бўлди. Деҳқон шундан чўчиганди. Кузда қанчадан-канча меҳнат сарфлаб эккан ғалласи зарарланиши мумкин эди. Ҳайрият, қорпи-қировли қишдан омон чиқибди. Қудратли тракторларнинг ҳайқириғи ғаллазорларни ларзага келтирди. Далалар уйғонди. Деҳқон аввал ғаллани бороналаб озиқлантирди. Сўнг суғорди.

Ҳамма ишнинг ўз навбати, ўз мавруди бўлади. Ғал баҳорги дон, сўнг беда ва маккажўхори экишга келди. Бу ишлар деҳқоннинг кўлидан чиққан, мана, она — ер бағрига «ок олтин» уруғи қадалаётган ҳозирги кунларда ямяшил далалар, арпа ва буғдой майсалари мавж уриб ўсаётган ғаллазорлар шу қадар дилрабо, шу қадар фусункор бўлганки, бунинг таърифини мафтунингман ғўзал табиат дегандек осмону фалакда чарх уриб раксга тушаётган қушлару, субҳидамда далага йўл оладиган деҳкондан сўранг.

Қир-адирларда кўзичоқлар шўх сакраб, ажиб бир оҳанг чиқариб маърайди. Ариқларнинг бўйида таъзим бериб турган мажнун толнинг ҳар бир толими деҳқон қизининг попук таққан кокилига ўхшайди.

Ҳа, табиат бисотида бор гўзаллигини далаларга инъом этибди, уни уйғотиб, бағрига деҳқонни равон этибди. Пахтазорларга, ғаллазорларга, бедазорларга қуёш ҳар куни меҳмонга келиб, илиқ нур улашмоқда, ўт-ўланлар, ғалла майсаларининг қулоғидан тортиб, деҳқон дилини мунаввар этмоқда.

Кўм-кўк ғаллазорлар, бедазорлардан дилрабо ҳид таралади, одамнинг баҳри-дили яйрайди. Лекин пахтазорнинг ҳиди ўзгача. Ундан ҳосил ҳиди, пахта ҳиди келади. Бултур ҳосилга хизмат қилган ер қишда дамини олган. Бу йил янада кўпроқ ҳосил беради. Бундан деҳқоннинг кўнгли тўқ. Негаки, уни кузда ўғит солиб шудгорлаб қўйганди. Чигит экиш билан бирга яна ўғит соляпти.

Тошкентликлар бу йил баҳор ҳавоси қуруқ келганини ҳисобга олиб, пахта майдонларини зудлик билан бороналадилар, тупроқдаги нам кўтарилиб кетишининг олдини олдилар. Март ойининг иккинчи ярмида областдаги барча хўжаликларда ем-ем бороналашга зўр берилди, тупроқдаги намни имкони борича тезроқ бостириш, унинг кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик учун ҳаракат қилинди. Айниқса кучли шамол бўладиган Бекобод райони колхоз ва совхозларида ерни бороналаш суръати кучайтирилди. Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг механизаторлари бороналаш агрегатларини ҳатто кечалари ҳам тўхтатмадилар. Чунки колхознинг пахта майдони тошлоқ тупроқли ерлардан иборат. Агар шундай қилинмаганда нам кўтарилиб кетиб, экилган чигит униб чиқмаслиги мумкин.

Бўка райони хўжаликларида ерни бороналаш мўл ҳосил олишнинг асосий шартларидан бири деб эълон қилинди. Ҳамма куч тупроқдаги намни сақлаш учун курашга сафарбар этилди.

— Пахтакорларимиз, — дейди шу райондаги Тимирязев номли колхознинг раиси Назирқул Набиев, — ерни бороналаб, тупроқдаги намни сақлаш пахтадан мўл ҳосил етиштиришда муҳим роль ўйновчи агротехника тадбирларидан бири эканини яхши билишади. Айниқса баҳорда ёғингарчилик бўлмаганлиги сабабли тупроқда нам кам бўлган бу йилги шароитда бунинг аҳамияти катта.

Шу боисдан колхоз механизаторлари 1050 гектар пахта майдонини икки марта бороналашди, намнинг кўтарилиб кетишига йўл қўйишмади. Улар мавжуд 12 та ҳайдов тракторини юқори унум билан ишлатиб, ерни бороналаш, мола бостириш ва текислаш ишларини қисқа муддатда сифатли қилиб амалга оширишди. Ер иккинчи марта бороналанганда бир йўла мола ҳам бостирилди. Бу тупроқнинг остки қатламидан бўғланиб кўтарилаётган намнинг чигит тушадиган қатламда ушланиб қолишини таъминлайди, экилган уруғ тупроқнинг табиий намига ундириб олинишида, кўчат текис ва соғлом бўлишида катта роль ўйнайди.

Колхоз механизаторлари 29 март куни 20 та экиш агрегатининг ҳаммасини далага олиб чиқишди. Тракторлар ва сеялкалар сифатли ремонт қилинганлиги ва олдин синаб кўрилгани туфайли дастлабки кунданоқ тўхтовсиз ишлаяпти. Бир кунда 150-160 гектар майдонга «Тошкент-1» навли чигит кенг қаторлаб экиляпти.

Чигит экишда Меҳнат Қизил Байрок орденли Баёнқул Раҳмонов, Меҳнат Қизил Байрок ва Октябрь революцияси орденлари кавалери Сардор Жумаев бошлиқ бригадаларнинг коллективлари пешқадамлик қилишяпти. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган бу илғор коллективларда ишлаётган тўртта экиш агрегатининг ҳар бири билан бир кунда 7-8 гектар майдонга сифатли қилиб чигит қадаляпти.

— Сеялкачи Мамадали Раҳабалиев билан бригаликда, — дейди Б. Раҳмонов бригадасининг механизатори Мухтор Мавлонов, —экишда юқори меҳнат унумдорлигига эришиш билан бир қаторда, сифатга ҳам алоҳида эътибор берямиз. Чигит экилаётган қаторларнинг тўғри, қатор ораларининг кенглиги бир хил бўлиши ва чигит белгиланган чуқурликка тушишига эришяпмиз. Бу ҳосилнинг мўл бўлишида катта аҳамиятга эга. Бултур чигит сифатли қилиб экилгани, ғўза яхши парвариш қилингани учун бригадамиз колхозда энг юқори — гектаридан 46,4 центнердан ҳосил олди. Бу йил ҳам илғорликни қўлдан бермаслик учун ҳаракат қиламиз.

Бу бригаданинг Муртазо Облоқулов ва Икромқул Раҳмонов, С. Жумаев бригадасининг Мурод Маҳкамов ва Шойим Салимов, Раббим Абдиев ва Эшназар Азизовлардан иборат экипажлари ҳам чигит экишда юксак меҳнат унумдорлиги ва юқори сифатга эришмоқдалар.

Барча бригадаларда чигит экиш билан бир қаторда гектарига 200-250 килограммдан азотли ўғит ва гербицид қолинаётир. Ҳар бир бригадада ер майдонининг катта-кичиклигига қараб икки ёки учта экиш агрегати ишлаяпти. Экиш билан бир вақтда ерга солинаётган ўғитни ташиб бериш учун ҳар бир бригадага битта трактор тележкаси биркитиб қўйилган. Масалан, Б. Раҳмонов бригадасига ўғитни механизатор Шариф Ғойибов ташиб бермоқда.

Колхоз пахтакорлари бултур гектаридан 36,6 центнердан ҳосил олиб, ҳосилдорлиқда районда олдинги ўринлардан бирини эгаллашган эди. Улар Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги нишонланадиган бу йил 40 центнерлик маррани эгаллаш мажбуриятини олишган. Ерга барака уруғи ана шундай яхши ният билан ташланяпти.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ.
«Совет Узбекистони»нинг Тошкент область мухбири.

## ЭКИШ ҚИЗҒИН

Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхози деҳқонлари юбилей йилида юксак марраларни кўзлаб иш кўришаётир. Кўклам экиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрилди. Экин майдонлари маҳаллий ўғитлар билан семиртирилди. Техника экишга барвақт тахт қилиб қўйилди. 198 та чопик трактори, 78 та сеялка сифатли ремонтдан чиқарилди. Чигит экишга ўюшқоқлик билан киришилди. Ерга барака уруғи қадашда СССР Олий Советининг депутати Кан Анатолий бошлиқ бригада пешқадамлик қилмоқда. Бригадада ҳар куни 7-8 гектар ерга уруғ ташланаётир.

Колхоз меҳнаткашлари бу йил ҳосилдорликни гектарига 45 центнерга етказиб, Ватанга жами 7500 тонна «ок олтин» топширишга қарор қилганлар.

Ғ. ЮСУПОВ.

# ЛЕНИНЧА ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА

**Совет кишилари, жумладан КПСС ва Совет давлатининг қўллаб-қувватламоқдалар. Меҳнаткашлар ўзларининг хатларида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг совет қасаба союзларининг XVI съездида сўзлаган нутқидаги қондаларни ғоятда қизғин қўллаб-қувватламоқдалар.**

**Узбекистон меҳнаткашлари ташқи ва ички сиёсатнинг тўла Узбекистон ССР Олий Советининг депутати, Пискент районидаги Тельман номли совхоз бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳакимполвон ҚОДИРОВ.**

Совет кишилари ҳар қандай ишга қўл уришмасин, тинчликни кўзлашади. Тинчлик бўлса, ҳаммаси жойида бўлади, дейишади. Бу бежиз эмас. Октябрь қуёшидан баҳраманд одам борки, болами ё ёши улуғ кексами барибир, сен билан сўрашганда аввало «тинчликми?» «тинчмисизлар, омонмисизлар?» дея гап бошлайди. Ўзим ҳам ҳар саҳар баҳор нафаси уфуриб турган далаларга назар солганда «Тинчлик бўлса, кузда катта хирмон кўтаришимиз тайин» деган ҳаёлга бораман.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг совет қасаба союзлари XVI съезди минбаридан туриб сўзлаган ёрқин нутқи тинчлик ғояси билан суғорилган. Леонид Ильич ўз нутқида халқаро кескинликни юмшатиш жараёнининг бундан кейин ҳам тобора чуқурроқ маъно касб этиши лозимлигини аниқ ва тушунарли ифодалаб берди. Биз партия-ҳукуматимизнинг доно сиёсатидан илҳомланган ҳолда ўз олдимиздаги вазифани кутилгандан зиёда бажаришга ҳаракат киламиз. Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллик юбилейини меҳнатда юқори кўрсаткичлар билан нишонлаш азму қароримиздир. Биз ўзимизнинг фидокорона меҳнатимиз билан Ватанимиз бойлигига бойлик кўшаверамиз.

* * *

Узбекистон олимлари Коммунистик партия билан Совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсатини бутунлай ва тўлатўкис қўллаб-қувватламоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев қасаба союзларининг XVI съездида сўзлаган нутқида бу сиёсатни ғоят ишонарли ва аниқ-равшан таърифлаб берди.

Барча замонлар ва халқларнинг тарихи тинчлик иши фақат адолатли бўлиши мумкинлигидан далолат беради. Ғарб сиёсатдонларининг найранглари, Совет — Америка муносабатларини ҳал қилиш тўғрисидаги масала, жумладан, стратегик қуролларни чеклаш тўғрисида икки томонлама битимни тайёрлашда мамлакатимизга тенг бўлмаган шартларни қабул қилдиришга уринишлар халқаро кескинликни юмшатишга, ер юзида тинчликни ҳақиқатан ҳам мустаҳкамлашга асло ёрдам бермайди. Ҳукуматимиз совет кишиларининг манфаатларини, уларнинг хавфсизлигини ҳамиша ҳимоя қилишни, давлатимиз ташқи сиёсат йўлини ўтказишда халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва яхши ниятдан иборат принципиал ленинча позицияни ҳамиша эгаллаб келганлиги ва бундан буён ҳам эгаллашини биламиз. Шу боисдан биз бу позицияни астойдил маъқуллаймиз.

Тарих фактларини рад қилиб бўлмайди. Бу фактлар ўз иродасини эркин амалга ошираётган халқлар ҳар қандай масалаларни ҳам тўғри ҳал қилишга қодир эканлигидан яққол далолат бермоқда. Биз аминмизки, ер юзида тинчликнинг ва халқаро кескинликни юмшатишнинг адолатли иши албатта тантана қилади.

М. ОХУНОВА,
Узбекистон ССР Фанлар академияси тарих институтининг директори, тарих фанлари доктори.

*БУГУН—ГЕОЛОГЛАР КУНИ*

# ХАЗИНАЛАР КЎЗИН ОЧИБ...

Бугун жонажон Советлар мамлакатимиз, барча совет геологлари анъанавий Геологлар кунини партиямиз тарихий XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленуми, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорлари туфайли юзага келган катта меҳнат ва снёсий кўтаринкилиги вазиятида кенг нишонламоқдалар.

Бу галги Геологлар куни ажойиб ва унутилмас даврда — совет халқи ҳаётида, жаҳон оқимлик ҳаракати тараққиётида муҳим ҳодиса бўлган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллиги арафасида байрам қилинмоқда.

Ўзбекистон хазинатопарлари ўтган даврда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг раҳбарлиги ва бевосита кўмагида ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ҳамда халқ хўжалигини ривожлантириш учун мустаҳкам минерал хом ашё базасини яратиш борасида жуда катта кўламда иш олиб бордилар. Ўрганилган фойдали қазилма конлари негизида оғир саноатнинг энергетика, машинасозлик, химия, нефть, газ, кўмир, олтин қазиб олиш, бинокорлик материаллари саноати, рангли ва қора металлургия тармоқлари жадал тараққий этди.

Республика халқ хўжалигини ривожлантиришдаги жуда катта ютуқлар геологик тадқиқотлар самарадорлиги ва ер ости бойликларининг ўрганилганлиги даражаси билан чамбарчас боғланган. Бу жуда муҳим вазифаларнинг ҳал этилиши республикамиз фан ва техника тараққиётининг юксак чўққиларига кўтарилишида, геология хизматининг эса халқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бирига айланишида муҳим омиллардан бўлди.

Партия ва ҳукуматимиз Совет ҳокимиятининг дастлабки кунлариданоқ фойдали қазилмалардан фойдаланишга муҳим вазифа сифатида аҳамият бериб, геологик тадқиқотларга маблағни аямади. Чунки юқоридаги вазифанинг ҳал этилиши мамлакат оғир саноатини жадал суръатларда ривожлантириш имконини берарди. Шундан сўнгги йилларда ҳам мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш планларида геологик тадқиқотларни планли ва интенсив олиб бориш доимо кўзда тутиб келинди. Натижада турли хилдаги фойдали қазилма конларининг очилишига сабаб бўлган каттагина ишлар бажарилди.

Совет ҳокимияти йилларида хазинатопарлар республикамиз заминида фойдали қазилмалар жуда кам, деган афсоналарни чиппакка чиқариб, кўплаб конлар кўзини очиб коммунизмга хизмат қилдирмоқдалар. Шунингдек, геология-разведка ишларининг техникавий жиҳозланиши, хазинатопарларнинг маданий ва маиший шароитлари таниб бўлмас даражада ўзгарди. Малакали кадрлар етишиб чиқди. Уларнинг касб маҳорати ошди. Буларнинг ҳаммаси геология-разведка ишларининг йилдан-йилга узлуксиз ошиб борган иш қўламининг бажарилишини ҳамда техникавий-иқтисодий кўрсаткичларининг яхшиланишини таъминлади.

Ўзбекистон геолог-разведкачилари КПСС XXV съезди ва партиямиз Марказий Комитети 1976 йил Октябрь пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ эта бориб социалистик мусобақани авж олдириш ва ички резервларни сафарбар этиш асосида аввалги йиллардагидек 1976 йил халқ хўжалиги топшириқларини ҳамда оширилган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари ортиги билан ado этдилар. Мис, қўрғошин ва рух, плавик шпати, газ, нефть ва конденсат запасларини ўстириш плани бажарилди. Оқтов запаслар бўйича давлат комитетида 8 та кон, жумладан, Зармитон ва Довгизтов руда конлари, Зеварди ва Ҳожи газ конлари, Оқтов мармар кони, Шайхжейли қурилиш тоши кони ҳамда Сирдарё ва Бекобод шаҳарларини сув билан таъминлаш учун ер ости сувлари запаси тасдиқланди. 126 миллиард куб метр газ запасига эга бўлган 3 та газ кони, қўрғошин-рух ва 3 та бинокорлик материаллари конлари саноат учун фойдаланишга топширилди.

Қидирув ишлари оқибатида Бухоро—Хива нефть-газ вилоятида ва Ҳисоролди тоғларида Чандир, Тегирмон, Умид ва Омонота газ конлари, Қўлжуқтов тоғида, Шимолий Нурота тизмаларида ва Чотқол—Қурама регионида истиқболли рангли ва ноёб металлар рудаси конлари очилди. Дальний мис, Учқулоч рух-қўрғошин, Шабрез ва Суппатош флюорит, Зармитон ва Қизилолмасой руда конларининг истиқболи анчагина кенгайтирилди. Ўзбекистондаги биринчи Шеробод целестин конининг разведкаси тугалланди.

Илмий тадқиқот институтлари коллективлари ҳам 1976 йилни муваффақиятли якунладилар. Улар конларни қидириш ва фойдали қазилма запасларини баҳолашнинг янги усулларини ишлаб чиқдилар ва жорий этдилар, пармалаш техникаси ва технологиясини, рудаларни саралаш ва улардан фойдали қазилмаларни комплекс ажратиб олишни такомиллаштириш юзасидан амалий тавсияномалар бердилар. Уларни жорий этишдан 6,8 миллион сўм миқдорида иқтисодий самара кўрилди.

Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида министрлигимиз ва унинг ташкилотлари фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, асбобускуналар ва транспорт воситаларидан фойдаланишни яхшилаш, моддий ресурсларни иқтисод қилиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш юзасидан муайян ишларни бажарди. Шу туфайли геология-разведка ишларида барча асосий план кўрсаткичлари уддаланди. 3,8 миллион сўмдан зиёд иқтисодий самара берувчи янги техника ва илғор технологияни жорий этиш топшириғи бажарилди.

Геолог-разведкачилар фаровонлигини ошириш ва уларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилаш учун қатор тадбирлар амалга оширилди. 20 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой, 4 та ётоқхона, 3 та болалар боғчаси ва клуб, 90 дан ошиқ маданий-маиший объектлар қурилди.

Партия ва ҳукуматимиз геологлар меҳнатини юксак баҳолади. 1976 йил топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарганлиги учун Ҳурмат Белгиси орденли «Узбекнефтегазразведка» бирлашмаси КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари «Узбекгидрогеология» бирлашмасига, «Самарқандгеология» бирлашмасининг Зармитон геологоразведка экспедициясига, «Узбекнефтегазразведка» бирлашмасининг Ҳисоролди нефть-газ разведка экспедициясига, «Ташкентгеология» бирлашмасининг Тўқий Қурама геологоразведка экспедициясига берилди. Ўтган йилнинг тўртинчи квартали якунларига кўра «Самарқандгеология» бирлашмаси ҳамда «Узбекгидрогеология» бирлашмасининг Фарғона гидрогеология экспедицияси СССР Геология министрлиги ва тармоқ ходимлари касаба союзи марказий комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. «Ташкентгеология» бирлашмаси билан «Самарқандгеология» бирлашмасининг Кўкпатас экспедицияси эса республика Геология министрлиги ва тармоқ ходимлари касаба союзи республика комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритишга эришди.

Республикамиз геологлари олдида бу йил ҳам катта вазифалар турибди. Биз геологик тадқиқотларнинг катта комплексини амалга оширишимиз, мис, вольфрам, олтин, нефть, газ, рух ва қўрғошин, плавик шпати, бинокорлик материаллари ва ер ости сувлари запасини анчагина кўпайтиришимиз лозим.

Ҳозир бирлашмалар ва экспедициялар коллективларининг куч-ғайрати геологияразведка ишларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, сарфланган ҳар бир сўмдан мумкин қадар кўпроқ фойда олиш, дала тадқиқот ишларини сифатли ўтказиш ва фойдали қазилмалар запасларини тайёрлаш, ишончлилиги ва аниқлиги сифатини ошириш учун курашга қаратилган. Бу соҳада ишлаб чиқариш коллективларига Ўрта Осиё Геология ва минерал хом ашё илмий-тадқиқот Геология, Нефть ва газ конларини разведка қилиш, Гидрогеология ва Инженерлик геологияси институтлари амалий ёрдам беришлари зарур. Мазкур институтлар бу йил ўзларининг бутун имкониятларини барча турдаги фойдали қазилмаларнинг илмий асосланган прогноз запасларини беришга, анча такомиллашган пармалаш, кон қазиш техникаси ва технологиясини яратишга, минерал хом ашёни бойитиш ва улардан комплекс фойдаланиш технологияси бўйича ҳамда табиатни муҳофаза қилиш тадқиқотларини кенгайтиришга, шунингдек, геология-разведка ишлари ва минерал хом ашё экономикасига оид тадқиқотларнинг самарадорлигини кўтаришга сафарбар этмоқдалар.

Ўзбекистон геологлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1976 йил Октябрь пленуми, Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларидан руҳланиб, ўз зиммаларига 1977 йил планларини барвақт бажариш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишган. Байрам арафасида шуни мамнуният билан айтишимиз мумкинки, улар биринчи квартал геология-разведка ишлари планини ва социалистик мажбуриятларини шараф билан ado этдилар.

Ишнинг юксак суръати ва биринчи квартал натижалари, хазинатопарлар кўпминг нишлик коллективининг шиҳоати 1977 йил топшириқларини ва юксак социалистик мажбуриятларнинг муддатидан илгари ортиги билан ado этилишидан дарак бермоқда. Ўзбекистон геологразведкачиларининг Улуғ Октябрь 60 йиллигини катта меҳнат зафарлари ва янги фойдали қазилма конларини очиш билан нишонлашларига шак-шубҳа йўқ.

**Ҳ. ТУЛАГАНОВ,**
**Ўзбекистон ССР геология министри, Ленин мукофоти лауреати**

●

# ЯХШИ ДАМ— СОҒЛИҚ ГАРОВИ

### ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАР МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ СИҲАТ-САЛОМАТЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

**КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев СССР касаба союзларининг XVI съездида сўзлаган нутқида бундай деди: «Совет кишиларининг турмушини яхшилаш, уларнинг сиҳат-саломатлиги ва дам олиши тўғрисида, меҳнаткашлар ва уларнинг оилалари бўш вақтларидан ўзи ва жамият учун фойда келтирадиган тарзда оқилона фойдаланиши ҳақида ғамхўрлик қилиш — социал снёсатимизнинг жуда катта соҳасидир... Бу соҳада ҳам касаба союзларининг имкониятлари катта, фаолият майдони жуда кенг».**

**Хўш, Ўзбекистон касаба союзлари меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш проблемасини қандай ҳал этмоқдалар! Шаҳар ва посёлкаларнинг аҳолиси бўш вақтларида мароқли сайр қилиши, соф ҳаводан баҳраманд бўлиши, жонажон ўлка гўзаллигидан роҳатланиши учун қандай ишлар қилинмоқда!**

**ЎзТАГ мухбири Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудовадан ана шу саволларга жавоб қайтаришини илтимос қилди.**

Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси ўз суҳбатини меҳнат коллективлари ва уларнинг касаба союз ташкилотлари социал-маданий тадбирлар фондидан ва социал страхование бюджетидан олинадиган маблағлар ҳисобига ташкил этаётган дам олиш базалари тўғрисида ҳикоя қилиб беришдан бошлади.

«Каршистрой» маъмурияти ва касаба союз комитети Шаҳрисабздан 26 километр чамаси нарида ажойиб база ташкил қилдилар. Жуда катта боғ территориясида беш юз ўринли иккита қишки ва бешта ёзги дам олиш корпуслари, кенг клуб, сузиш ҳавзаси, музика солони, ўйин майдончалари барпо этилди. Бу ерда энг яхши санаторий ҳам фахрлана оладиган ошхона бор. Қурувчилар бу ерга икки кунга, отпуска вақтларида келадилар. Уларга шахсий ва оилавий путёвкалар касаба союзи ҳисобига текин ёки имтиёзли шартларда берилади.

Ҳатто кичик корхона ҳам шаҳар чеккасида дам олиш учун қандай ишлар қилиши мумкинлигини Қўқонқишлоқ пахта заводининг мисолида ҳам кўриш мумкин. Корхона олти йил муқаддам Тешиктош тўғони яқинида хушманзара жойда эллик ўринли пансионати бўлган дам олиш базаси қурган эди. Дам олиш кунлари корхона ходимлари бутун-бутун бригада бўлиб, оилалари билан шаҳар ташқарисига чиқади.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Ҳумсон қишлоғидаги сиҳат-саломатлик шаҳарчаси муносиб шуҳрат қозонди. Қиш мавсумида бу ерда чанғи спорти ҳаваскорлари учун жой жуда бемалол. Ёз фаслида эса минг-минглаб самолётсозлар тоғларда юриб бардам бўладилар, дам олишнинг ўнлаб бошқа шаклларини ҳам танлаб олишлари мумкин.

Навоий ГРЭСи, Самарқанд электр тармоқлари корхонаси, Сурхондарё областидаги 2510-автоколонна, Бахт пахта заводи, Хоразм йўл ремонт-қурилиш бошқармаси, Маргилон ёғмойсозлик заводи ва бир қанча бошқа корхоналарнинг коллективлари дам олиш базаларини барпо этиш учун кўп куч-ғайрат сарфладилар.

— Ана шу коллективларнинг намунаси кенг оммалашяптими?

— Афсуски, бундай хулоса чиқариб бўлмайди.

— Бунга сабаб нима?

— Маълумки, бизда ишлаб чиқариш қўламлари тинмай ўсиб бораяпти, меҳнат коллективларининг асосий кўпчилиги мусобақада янгиданянги муваффақиятларга эришмоқда. Бинобарин, корхоналарнинг социал-маданий тадбирлар фондлари, социал страхование бюджетига ажратилаётган маблағлар йил сайин, ой сайин кўпайиб бормоқда. Базаларни жойлаштириш мумкин бўлган районлар эса бизда жуда кўп. Ўзбекистон табиати ҳақиқатан ҳам жуда бой. Демак, базаларнинг камлигини хўжалик органларининг ношудлиги, касаба союз комитетлари уларга нисбатан етарли талабчанлик қилмаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ана, жуда қизиқ бир мисол: Қорақалпоғистон «Заготхлопкопром» бирлашмаси 1973 йилдаёқ Орол денгизининг соҳилида эллик ўринли тўртта уй қурган эди. 1975 йилда яна бешта уй қуриш, бошқа объектларни қуриб битказиш мўлжалланган эди. Лекин бирлашмада ана шу ишга қизиқиш йўқотилиб, бошланган иш ташлаб қўйилди.

Нисбатан камроқ маблағ сарфлаб пионер лагерларини пансионатлар учун мослаштириш мумкин. Чунки, пионер лагерларидан бир йилда аслида уч ой фойдаланилмоқда. Шунга қарамай, бу соҳада ҳозирча ҳеч қандай иш қилинганг йўқ.

— Наима Маҳмудовна, сиз Орол соҳили тўғрисида эслатиб ўтдингиз. Айтилган фикрларга қараганда, у ерда айрим базалар ҳақиқатга эмас, балки яхлит дам олиш зонаси ҳақидаги масалани ўртага кўйиш пайти келганга ўхшайди. Хўш, ҳозир ана шундай зоналарга доир ишлар қандай?

— Бизнинг ўз тажрибамиз, Москва, Ленинград, Украина, Болтиқ бўйи республикаларидаги совет ва касаба союз органларининг тажрибаси шаҳардан ташқарида дам олишни ташкил қилиш проблемаларини комплекс ҳал этиш энг яхши натижалар бериши мумкинлигини кўрсатади. У ёки бу районнинг табиий бойликларидан оқилона фойдаланиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, меҳнат коллективларининг куч-ғайратини бирлаштириш — касаба союз комитетларининг бурчидир. Якка-якка бўлиб кўп иш қилиб бўлмайди. Биргаликда ҳамжиҳат бўлиб иш кўрилганда эса ҳамма учун умумий бўлган инженерлик коммуникацияларини қуриш, дам олувчиларга савдо, медицина, маиший, транспорт хизмати кўрсатиш вазифасини ҳал қилиш енгилроқ бўлади.

Чорвоқ сув омбори атрофида ва Чимён баҳрида йирик дам олиш зонасини барпо этиш ғояси ниҳоятда истиқболлидир. Тошкент, Чирчиқ, Ғазалкент меҳнаткашлари ана шу зонани вужудга келтиришдан бевосита манфаатдордир. Ана шу кенг территорияни комплекс ўзлаштириш лойиҳаси ҳам тузилган. Мутахассисларнинг фикрича, бу ерда ўнлаб пансионатлар, дам олиш уйлари, пионер лагерлари, сув станциялари ва бошқа спорт иншоотларини жойлаштириш мумкин. Тоғ чанғи спортининг марказига айланиб қолган Чимёнда мавжуд осма арқон йўл ёнига яна иккита ана шундай йўлни қўшиш лозим. Юсуфхона қишлоғи яқинида хизмат кўрсатувчи ходимлар учун кўп қаватли уйлар, ҳар хил маиший хизмат бўлимлари бўлган посёлка қад кўтаради. Ёз фаслида ана шу посёлка яқинида пансионатлар учун ўзига хос резерв сифатида 10-15 минг кишига мўлжалланган чодирлар ўрнатиш мўлжалланмоқда.

Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларидаги кўпгина касаба союз ташкилотлари Чорвоқ ва Чимённи ўзлаштириш иши билан яқиндан жиддий шуғулланмоқдалар. Бирок иш суръатларини қониқарли деб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, корхоналар ва ташкилотларнинг соғломлаштириш комплексларини ва инженерлик иншоотларини қуришда пайчилик асосида иштирок этиши билан боғлиқ бўлган бир қанча ташкилий масалаларни ҳал қилишни тезлаштириш лозим. Кооперациясиз, пай маблағлари ва моддий ресурсларни бирлаштирмай туриб, Чорвоқ проблемасини ҳал қилиш мумкин эмаслиги шубҳасиздир. «Ташгипрогор», «Главташкентстрой», физкультура ва спорт комитети, туризм совети бошқармаси, «Ўзбекбирлашув» зонани ўзлаштиришда фаолроқ қатнашиши керак.

Касаба союз ташкилотлари бошқа дам олиш зоналарини, аввало Шоҳимардондаги, Мўйноқ районидаги, Каттақўрғон, Учқизил, Андижон ва Қуйимозор сув омборлари районларидаги, Самарқанд областининг Оғалик деган жойидаги, Жиззах ва Сирдарё областлари территориясида жойлашган Тузкон ва Арнасой кўлларининг соҳилларидаги дам олиш зоналарини ўзлаштиришни ўз назорати остига олдилар.

— Демак, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети меҳнаткашларнинг ҳордик чиқариш проблемаларини ҳал қилишда касаба союз ташкилотлари, меҳнат коллективларининг маблағ ва куч-ғайратларини бирлаштириш тарафдори. Бу масала фақат корхоналар билан муассасаларгагина таалуқлими?

— Бизнинг фикримизча, ишга бундай ёндашиш кўпгина имкониятларни очиб беради. Бундай ёндашиш қишлоқ меҳнатчиларининг дам олишини ташкил этишда ҳам зарурдир.

Дам олиш кунлари ва меҳнат отпускаси сингари тушунчалар фақат шаҳар меҳнатчиларигагина таалуқли бўлган пайтлар аллақачон ўтиб кетди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши механизациялаштирилгани сари деҳқонлар ва чорвадорларни планлаштирилган дам олишдан баҳраманд қилиш учун реал шарт-шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистонда минг-минглаб пахтакорлар дам олиш уйлари ва санаторийларга путёвкалар олаётганлиги, туристик сафарларга жўнаётганлиги ҳеч кимни ҳайратда қолдирмайди. Лекин кўпгина колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари бўш вақтларини ўз уйларида ўтказадилар. Ана шу кишиларга дам олиш базалари зарур. Бундай базаларни кооператив асосида барпо этиш керак.

Республикамизда бу соҳада муайян тажриба орттирилди. Бухоро ва Андижон областларида колхозлар шаҳардаги энг яхши санаторий-профилакторийлардан сира қолишмайдиган ана шундай шифохоналарни биргаликда ташкил қилдилар.

Ўзбекистон касаба союзлари меҳнаткашларнинг шаҳар ташқарисида дам олишини ташкил этишни яхшилаш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар.

*КЕНГ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ — ХАЛҚҚА*

## ГЎЗАЛЛИК ЯРАТУВЧИЛАР

Тошкент чинни заводида тайёрланаётган маҳсулотлар мамлакатимиздан ташқарида ҳам машҳурдир. Ўзбек чиннисининг Румния, Польша, Канада, Бразилия, Сурия, Гвинея мамлакатларида ўтказилган халқаро ярмарка ва кўргазмаларда аъло баҳо олганлиги коллектив фидокорона меҳнати самарасидир.

Аҳолининг кенг истеъмол молларига бўлган талабини ҳисобга олган корхона коллективи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини ошириш борасида катта ишларни амалга ошираяпти. Давлат Сифат белгисини олган «Пахта», «Қўшбанд», «Дилором» сингари чинни буюмлар комплекти барчага маълум бўлмоқда. Яна бир неча хил идишлар комплекти фахрли беш бурчак тамгасини олишга тавсия қилинган. Булар «Атлас», «Оқ олтин», «Георгин», «Дўстлик», «Ўзбекистон», «Байрам», «Байрам тантанаси» сингари чинни комплектларидир. Уларни яратишда корхона рассомларининг ҳиссаси катта. Ўзбекистон ССР халқ рассоми Ёқубжон Қорабоев, СССР Рассомлар союзининг аъзоси Анвар Нўъмонов, бош рассом Ботир Собиров ва нақш чизувчи Аҳмад Мирзабоевлар чинакам янгилик ижодкорларидир.

Корхона коллективи ўртасида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик юбилейи шарафига социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган. Мусобақа ғолибларини рағбатлантириб бориш яхши самара бермоқда. Цехлараро мусобақада бадиий нақш туширш цехи илғорликни қўлдан бермай келаётир. О. Ҳошимов, Ҳ. Охунбобоев, Г. Яхшибоева, Д. Ҳасанова, М. Маҳкамова сингари ходимлар яхши натижаларга эришмоқдалар. Чиннисозлар 1977 йил биринчи квартали планини муддатидан илгари ошириб бажардилар. Пландан ташқари 70 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

— Зиммамизга юксак мажбуриятлар олганмиз, — дейди завод директори А. Иброҳимов. — Йил охиригача пландан ташқари 200 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот реализация қиламиз. Бу, бизнинг Улуғ Октябрь 60 йиллигига муносиб совғамиз бўлади.

**Ш. МИРҲАБИБОВ.**

**«Самарқандгеология», «Қизилқумгеология» экспедициялари коллективлари серқуёш диёримиз баҳрида катта ва самарали қидирув ишлари олиб бормоқдалар. Кўплаб хазиналар кўзини очиб, партия, Ватан, эл-юрт олқишига сазовор бўлмоқдалар. Хазинатопарлар бу галги ҳам ўзларининг анъанавий байрамларига муносиб совғалар билан келдилар. Суратларда: (чапдан): 1. 4-қидирув шахтасида проходкалаш ишларини олиб бораётган кўчма пармалаш қурилмаси. 2. Шахтанинг бош инженери Юрий Савин билан проходкачи Валерий Юдов ўртоқлар иш пайтида.**

**Т. Каримов ва А. Ванштейн фотолари.**

*«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАРДА*

# ҚУДРАТЛИ КОРХОНА

- РЕЛЬСДАГИ ЗАВОД
- САМАРАЛИ, ФОЙДАЛИ ЎСУЛ
- ЧИҚИНДИ ОЛТИ БАРАВАР КАМАЯДИ
- ИШНИНГ ТЕЗКОР СУРЪАТИ
- ЎРТА ОСИЁДА ЭНГ ЙИРИК

Боғларда ўрик оппоқ гуллади. Қирларда алвон-алвон лолалар денгизи ёлқинланади. Амударёнинг кумуш кўкиллари қирғоқларни ўпади. Юбилей йилининг ана шу серфайз фаслида Урганч ёғ-экстракция заводининг биринчи навбати қуриб битказилди. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига эришилган бу ютуқни бинокорлар корхона тарихи саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзиб қўядилар.

167-қурилиш трестининг 3-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи заводни тиклашда алоҳида ғайрат кўрсатиб меҳнат қилди. Бинокорлар сўзларининг устидан чиқишди. Қурувчи-монтажчилар ишнинг тезкор суръати ҳамма учун: таъминотчилар учун ҳам, барча ёрдамчи пудрат ташкилотлар учун ҳам қонундир, деган жанговар шиорга амал қилганликлари учун шундай муваффақиятга эришилди.

Корхона қурилишида бутун мамлакат қатнашди. Москва, Ленинград, Киев, Свердловск, Ереван, Тошкент каби шаҳарларнинг ишчилари машина ва ускуналарни ўз вақтида пешма-деш жўнатиб турдилар. Чунки, заводнинг ҳар бир цехи, участкаси ўзининг мураккаблиги билан турдош корхоналар орасида ажралиб турарди. Бундай корхонада ускуналарни ўрнатишдан тортиб, у ердаги энг кичик деталларни ўрни-ўрнига жойлаштиришгача бўлган ишларнинг ҳаммаси юксак дид ҳамда юқори техника билимини талаб қилар эди. Ана шундай билимдон одамлар қурилишга Иттифоқимизнинг турли қисмларидан келишганди. Лоақал, монтажчи Владимир Лабочёвни мисол келтирайлик. У чорак асрдан буён мамлакат қурилишларида ишлаб келмоқда. Илгари Москва яқинидаги йирик ёғмой комбинати қурилишида ишлаб катта тажриба тўплаган. Кейинчалик Ашхобод, Мари шаҳарларидаги қатор озиқ-овқат саноати корхоналарини тиклашда қатнашди.

— Урганч ёғ-экстракция заводи қурилиши, — дейди у, — ҳаётимга энг қувончли саҳифа бўлиб кирди. Бу ерда монтажчилар бригадасига етакчилик қилдим. Коллективимиз ойлик, квартал топшириқларини доимо ошириб бажарди. Р. Иброҳимов бошлиқ дурадгорлар бригадаси, Л. Ражабов етакчилигидаги бетончилар биз билан мусобақалашиб меҳнат қилдилар.

Қурувчилар эришаётган ютуқларда коммунистик меҳнат зарбдори Анна Тихонова бошлиқ пардозчилар бригадасининг ҳиссаси айниқса салмоқли. Қирқ қиздан иборат бу коллектив корхонанинг биринчи навбатига тегишли биноларни пардоздан чиқариб, уни «аъло» баҳога топширди.

Коллектив юбилей йили биринчи квартал топширигини 180 процент бажарди. Сувоқчи қизлар орасида ўзбек, рус, туркман, қорақалпоқ, тожик, татар каби ўнлаб миллат фарзандлари аҳил меҳнат қиляптилар.

Қўлга киритилган муваффақиятлар ҳақида гап борганда, корхона бунёдкорлари — учинчи қурилиш-монтаж бошқармаси азаматлари юбилей йилининг биринчи кварталида 600 минг сўмлик ёки топширикда белгиланган 100 минг сўмлик кўп қурилиш-монтаж ишларини бажарганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Энг қувончлиси заводнинг барча участкаларида иш гоят тез ва сифатли ado этилди. Бинокорлар билан лойиҳачилар ёнма-ён туриб меҳнат қилдилар. Қурилиш индустриясининг замонавий методлари илмий асосда амалга оширилди. «Гипрожир» институти лойиҳачилари улкан корхонани бунёд этишда қулай ва янгича йўл тутдилар. Улар барча технологик бўғинларини бир корпусга бирлаштирдилар. Турдош корхоналардан фарқли ўлароқ шнекли транспортёрларнинг ягона системаси барпо этилди. Бу тадбир ускуналарнинг бекор туриб қолишига барҳам беради. Ортиқча транспорт чиқимларига чек қўяди. Меҳнат унумдорлигини кўтаради.

Шаҳарнинг кун чиқар тарафидаги 12 гектарлик саноат зонасидаги корхонанинг муҳташам корпуслари кўзни қувонтиради. Кўп қаватли бош корпус, бир неча омборхона, 10-12 минг тоннадан чигит сиғдира оладиган тегирмон-миноралар, замонавий экстракция цехи, трансформатор, тозалаш-мойлаш станцияси ишга шай бўлиб турибди. Завод Урганч темир йўл станциясига яқин жойда қурилгани учун уни «рельсдаги корхона» деб ҳам юритишади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни пешма-деш ташиб олишда, умуман транспорт хизматидан фойдаланишда объектнинг бу тарзда жойлашуви муҳим ва қулайдир.

Ўрта Осиёда энг йирик янги корхона Хоразм ва Қорақалпоғистон АССРда етиштирилган пахтанинг чигити билан ишлайди. Бу ерда ёғ пресслаш йўли билан эмас, балки гоят самарали бўлган экстракция усулида ишлаб чиқарилади. Заводда монтаж қилинган серунум ва замонавий экстракция ускуналари хом ашё чиқиндисини одатдагидан олти баравар камайтиради. Маҳсулот сифатини яхшилайди, таннархини бир мунча арзонлаштиришга имкон беради.

Форпресс, сепаратор, ёғ оқлаш цехларида ҳам асбобускуналар сифатли монтаж қилинди. А. Воробьёв, С. Ҳасанов, И. Машарипов ва бошқа кўплаб жонкуяр мутахассислар қийинчиликларга бардош бериб, барча кичик ва катта ускуналарни ўрнатишда, уларни ҳаракатга келтиришда қунт билан меҳнат қилдилар.

Урганч ёғ-экстракция заводи тўла қуват билан ишга туширилгач, бир кеча-кундузда 800 тонна чигитни қайта ишлайди, 720 тонна юқори сифатли пахта ёғи, бир неча юз тонна совун, кунжара ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Бу — 1913 йили Урганчда ишга туширилган капиталист Крафтга қарашли ночор ёғ заводининг қувватидан 2500 баравар ортиқдир. Ўша пайтда атиги учта пресс, бир қозон, гидропресс мавжуд бўлиб, заводда юз чоғли киши ишлаганлиги тарихий ҳужжатларда қайд этилади...

— Дастлабки галаба қўлга киритилди, — дейди 167-қурилиш трестининг бошқарувчиси Ю. С. Хегай. — Корхонанинг биринчи навбати муваффақиятли қуриб битказилди. Аммо, қурилиш майдонида ҳали иш қизғин. Экскаваторлар, скрейперлар тинимсиз ҳаракатда. Кранлар юк ташимоқда. Бетончилар, ғишт терувчилар, дурадгорларнинг қўли қўлига тегмайди. Уларнинг ҳар бири Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига бошланган мусобақага қўшилиб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Корхонанинг иккинчи навбатини ҳам тўла ишга тушириш учун кураш кетяпти.

Бундан атиги бир неча йил аввал лойиҳаларда акс этган гигант корхона — Урганч ёғ-экстракция заводи гоят тез суръатлар билан қад кўтармоқда.

**Т. НАЗИРОВ,**
**Ф. ЗОҲИДОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.**

# ЧЎЛ ГУЛШАНИ

**Совхоз идораси пештоқига бобонинг портрети қўйилган. Портрет тафсилоти бундоқ: унинг тийрак кўзлари узоқ-узоқларга боқади. Чинордай кенг ўмровли қаддибасти полвон табиатлигидан далолат беради. Икки кифти чўлнинг оғир юкини кўтаришга қодирдай кенг. Оёғида этик, эгнида беқасам тўн, белида қашқадарёча кашта тикилган шоҳи белбоғ. Бошида телпак. Лекин ёшига нисбатан юзларига кўпроқ ажин тушгани сезилиб туради. Кўксидаги Ленин ордени, «Олтин юлдуз» медали асрий Қарши чўлларига шўъла сочаётгандай туюлади. Бинога кадам ранжида қилган ҳар бир киши расм рўпарасида бир оз сукут сақлаб, бобо ҳурматига бош эгмай ўтолмайди.**

**Чўлибобо Дашт қишлоғида туғилган. Шунга тавсиф қилиниб, унга Чўли исми қўйилган. Эндиликда Қашқадарё область, Нишон районидаги йирик, кўп тармоқли, экономикаси мустаҳкам, намунали порлоқ совхозлардан бири Чўли Бегимқулов номи билан аталади.**

1973 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ ОЙИ. Нишон районининг биқинига жойлашган посёлка. Ҳаммаси бўлиб 40 хонадон, аҳоли сони юз элликдан ошмайди. Лекин маъмурий бино келажак порлоқ истиқболдан ҳикоят этиб турибди.

Пахтачиликка ихтисослаштирилган янги совхоз коллективи 21 март куни саккизта ер ҳайдаш трактори билан деҳқончиликни бошлади. Қашқадарё каналидан сув олиниб, 550 гектар ерга чигит экилди, 70 гектар майдонда маккажўхори ўстирилди. Чўлқуварлар ва уларнинг оила аъзолари ҳақида дастлабки кунлардан бошлабоқ ғамхўрлик кучайтирилди. Шу мақсадда 60 гектар ерда сабзавот, картошка етиштирилди. 20 гектар майдонга нихол ўтказилиб, боғ қилинди.

Ўша йили гектаридан 13,5 центнердан пахта ҳосили олинди. Маккажўхори ҳосилдорлиги 55 центнерни ташкил этди. Дарвоқе, чўлқуварлар қаттаги на майдонга беда уруғи сепган эди. Энг юқори ҳосил шу эканидан олинди.

1974 ЙИЛ. Экин майдони янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига 2.700 гектарга етказилди. Шундан 2.300 гектарида ғўза ўстирилиб, пахта етиштириладиган бўлди. Совхоз давлатдан жуда катта моддий-техника ёрдами олди. Чўлқуварлар ҳаётини яхшилаш учун зарур бўлган ҳамма шароит яратилди.

Чўлқуварлар дала ишларини техника қудратига таяниб олиб бордилар. Механизаторлар: «Бир тракторда икки трактор ишини бажарамиз, бир кунда икки кунлик иш графигини адо этамиз, бир мавсумда икки мавсум нормасига тенг пахта терамиз!» деган ташаббус билан майдонга чиқдилар. Бу ташаббус тез орада бутун областга ёйилди.

Ваъда вафоси билан, сўз ижроси билан ғўзаЛ Совхоз механизаторлари қандай мажбуриятлар олган бўлсалар, ҳаммасини белгиланган фурсатларда бажара бордилар. Совхоз чигит экишни ҳаммадан олдин тугаллади, бошқалар ерга бирака уруғи қадаётганларида улар ғўза парваришини бошлаб юборадилар. Шундай қилиб, ўша йили гектаридан 22 центнердан пахта олинди ёки ҳосилдорлик гектар бошига ўн центнерга якин кўтарилди, совхоз давлатга 4.700 тонна чўл дурдонаси етказиб берди. Ўша йили бошқа тармоқларда ҳам яхши натижаларга эришилди. Биринчи марта 180 гектар бедазор, 120 гектар маккажўхоризорда рай-он миқёсида рекорд ҳосил етиштирилди. Ҳамма соҳа бўйича белгиланган планлар ортиғи билан бажарилди.

1975 ЙИЛ ҳўжалик фаолиятида икки муҳим соҳа — пахтачилик ҳамда чорвачиликни ривожлантириш билан характерланади. Чорвачиликни пахтачилик даражасига кўтариш борасидаги қураш кескин тус олди. Яна бир муҳим янгилик шу бўлдики, пахта-беда алмашлаб экиш схемаси жорий этилди, унга маккажўхори ҳам киритилди. Шу йили алмашлаб экиш схемасига биноан, гарчи пахта майдони юз гектар камайтирилган бўлса ҳам, давлатга 5.850 тонна, планда кўзда тутилганидан 550 тонна кўп пахта етказиб берилди, ҳосилдорлик гектар бошига 25,5 центнердан ошиб кетди.

Чорвачилик ҳам анча юксалди: 100 бош сигир зотли қорамоллар харид қилиш ҳисобига 377 бошга етказилди. Сут етиштириш айниқса кўпайди ва давлатга 410 тонна серқаймоқ сут топширилди.

Шу йили яна бир янги тармоқ — паррандачилик фермаси ташкил қилиниб, 5.000 та товук боқила бошланди.

1976 ЙИЛГА КЕЛИБ бу совхоз областнинг йирик хўжаликларидан бирига айланди. Пахта ҳосилдорлиги 29 центнерга кўтарилди, она-Ватан чўлқуварлардан 7.500 тонна пахта қабул қилиб олди.

Чўли Бегимқулов номли совхозда янги ташкил қилинган боғлар ва токзорлар қийғос ҳосилга кирди, сабзавотдан катта хирмон кўтарилмоқда. Нишон район партия комитети барча хўжаликларнинг раҳбарларини шу жойга Чўлибобо хотирасига бағишланган кечага таклиф қилди. Йиғилиш охирида кийғос ҳосилга кирган боғлар, сабзавотзорлар, бедазор, маккажўхоризорлар кўрсатилди. Бу тадбир раҳбар кадрлар учун яхшигина туртки бўлди. Янги боғлар, токзорлар бунёдга келтириш, сабзавот, полиз экинлари майдонларини кенгайтириш, ҳосилдорликни ошириш оммавий равишда бошлаб юборилди. Бу борада Р. Р. Шредер номли боғдорчилик-узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Қарши филиали (директори Т. Мирзаев) чўл хўжаликларига яқиндан ёрдам бермоқда.

Бироқ Чўли Бегимқулов номли совхозда ва бошқа хўжаликларда ҳамма иш ҳамиртдан қил суғиргандек осон бўлмаётгандек деб бўлмайди. Чўлнинг ўзига яраша меҳнати, қийинчиликлари ,азият, машаккатлари бор. Меҳнат аҳли юз берган қийинчиликларни мардонавор енгиб, камол топяпти.

Адолат Носирова ўзининг фидокорона меҳнати билан тез орада ҳаммага танилди. У Чўли Бегимқулов номли совхоз ташкил қилингандан буён шу ерда ишлайди. У бошчилик қилаётган комплекс механизациялашган бригада чўл шароитида пахта ҳосилдорлиги 45 центнерга етказди, энди 60 центнерлик маррани эгаллаш учун курашяпти. Адолатхон ҳар мавсумда машинада 250-300 тоннадан пахта теряпти.

Механизатор-бригадир Эшмўмин Ўтаганов 80 гектар майдонда қўл кучи ишлатмасдан ғўза ўстиряпти, пахтасини машинада теряпти, ҳосилдорлиги 33-35 центнерга етказяпти. Карим Баратов, Қаҳҳор Ғойибов, Имомқул Бўриев, Маматқул Мавлонов, Усим Муродов каби механизаторлар ҳам совхознинг суянган тоғи бўлиб қолдилар. Умуман, совхоз пахтачиликда қўл кучи ишлатмаслик йўлидан бориб, ҳаммага намуна кўрсатяпти.

Тармоқларнинг комплекс ривожлантирилиши, маҳсулот етиштиришнинг кўпайтирилиши ялпи даромаднинг ортишига олиб келмоқда. Буни қуйидаги рақамлар исбот этади. Совхоз янги тузилган 1973 йилда 670 минг сўм даромад олиниб, шундан 55 минг сўми соф фойдани ташкил этган бўлса, 1976 йилда давлатга 5 миллион 873 минг сўмлик маҳсулот топширилди, соф фойда 1 миллион 470 минг сўм бўлди. Чўлқуварларнинг меҳнат ҳақи ҳам шу асосда ўсиб бораётир.

Совхознинг марказий посёлкаси. Кафтдек текис йўлларнинг икки четида қўш қаватли уй-жойлар маржондек чизилиб турибди. Уларда чўлқуварлар оила аъзолари билан истиқомат қилади. Ҳамма жой Ильич нуридан чароғон. Маданий-маиший, маданий-оқартув муассасалари бинолари дид билан жойлаштирилган.

Масалан, бир кўчада ясли, боғча, мактаб бинолари бўлиб, болалар ўнинчи синфни битиргунча шу кўчадан қатнайди. Ёки савдо тармоқлари жойлашган кўчага кирган киши сабзавот ва гўшт дўконлари, озиқ-овқат, саноат моллари магазинларидан хоҳлаган нарсасини харид қилиши мумкин. Кутубхона, кинотеатр, клуб ва бошқа маданий-оқартув муассасалари бир кўчадан, медицина муассасалари яна бир кўчадан жой олган. Посёлка қурилиш-ободончилик ва ғўзалликда шаҳарчадан қолишмайди.

Маъмурий бино пештоқидаги расм яна кўзга ташланади. Бободеҳқон Чўлибобонинг юзларида табассум чечак отган. Унинг лаблари пичирлаётганга, «Раҳмат, азизларим, менинг орзуларимни рўёбга чиқардиларингиз, 10 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини бунёдга келтиришларингизда омад тилайман» деяётганга ўхшайди.

М. НАЗАРОВ,
П. ГАДОЕВ,
«Совет Узбекистони» махсус мухбирлари.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

## «ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Журналнинг март ойи сони КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисидаги қарори билан очилади. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг V пленуми тўғрисида ахборот босилган. Бош мақола социалистик мусобақа мавзуига бағишланган. «Ривожланган социализм социал-иқтисодий проблемалари» бўлимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Ф. Кулаковнинг «Коммунист» журналида босилган «Ривожланган социализм даврида КПССнинг аграр сиёсати» сарлавҳали мақоласи билан танишиш мумкин. Бош мақола социалистик мусобақа мавзуига бағишланган. Журналда Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишлаб янги рубрика ташкил этилган. Ана шу рубрика остида совет турмуш тарзига бағишланган материаллар туркумини ўқиш мумкин. «Хўжалик-ка раҳбарлик» рубрикаси остида Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари К. Маткаримовнинг «Пешқадамлар намунаси» сарлавҳали мақоласи, республика қишлоқ хўжалик илғорларининг қурултойи ҳақидаги ахборот, «Ташкилий-партиявий иш» рубрикаси остида Тошкент область партия комитети бўлим мудирининг ўринбосари С. Стрижневнинг «Партиявий ишларни планлаштириш такомиллашмоқда», Бухоро область партия комитети инструктори У. Ҳатамовнинг «Ташкилий-партиявий иш кабинети», Қорақалпоғистон область партия комитети сиёсий маориф ўйининг мудири В. Луценконинг «Партком ва пропагандистлар» сарлавҳали мақолалари ўрин олган. Журналда цех партия ташкилотлари ва партия группалари ҳаёти ва газета темасида ёзилган материаллар, хабар ва лавҳалар билан ҳам танишиш мумкин.

## «ПАРТИЯ ТУРМУШИ»

Журналнинг март ойи сонида КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисидаги қарори, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Ф. Кулаковнинг «Коммунист» журналида босилган «Ривожланган социализм даврида КПССнинг аграр сиёсати» сарлавҳали мақоласи билан танишиш мумкин. Бош мақола социалистик мусобақа мавзуига бағишланган. Журналда Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишлаб янги рубрика ташкил этилган. Ана шу рубрика остида совет турмуш тарзига бағишланган материаллар туркумини ўқиш мумкин. «Хўжалик-ка раҳбарлик» рубрикаси остида Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари К. Маткаримовнинг «Пешқадамлар намунаси» сарлавҳали мақоласи, республика қишлоқ хўжалик илғорларининг қурултойи ҳақидаги ахборот, «Ташкилий-партиявий иш» рубрикаси остида Тошкент область партия комитети бўлим мудирининг ўринбосари С. Стрижневнинг «Партиявий ишларни планлаштириш такомиллашмоқда», Бухоро область партия комитети инструктори У. Ҳатамовнинг «Ташкилий-партиявий иш кабинети», Қорақалпоғистон область партия комитети сиёсий маориф ўйининг мудири В. Луценконинг «Партком ва пропагандистлар» сарлавҳали мақолалари ўрин олган. Журналда цех партия ташкилотлари ва партия группалари ҳаёти ва газета темасида ёзилган материаллар, хабар ва лавҳалар билан ҳам танишиш мумкин.

## «МУХБИР»—«КОРРЕСПОНДЕНТ»

Журналнинг март ойи сони Узбекистон Журналистлар союзининг V съезди материаллари билан чиққан. Журнал съезд ҳақидаги ахборот ҳамда Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг съездга йўллаган мактуби билан очилади. Унда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг съездда сўзлаган нутқи босилган. Журналда шунингдек, Узбекистон Журналистлар союзи правлениесининг раиси З. И. Есенбоев, ревизия комиссияси раиси И. К. Костиков, мандат комиссияси раиси Х. Назиров ўртоқларнинг докладлари, съезд делегатларининг нутқлари, правлениенинг ҳисобот давридаги иши тўғрисида съезд резолюцияси ҳамда съезднинг бошқа материаллари ёритилган.

Журналнинг «Беш йиллик ва матбуот» рубрикаси остида «Ленин байроғи» область газетасида пахтачиликни ривожлантириш масалаларининг пропаганда қилиниши ҳақидаги обзор материал билан танишиш мумкин. Журналда шунингдек, Китоб район «Ғалаба» ҳамда Нурота район «Илғор чорвадор» газеталарида сифат ва самарадорлик мавзуи, илғор тажриба ва ташаббуслар қандай ёритилаётгани ҳақида батафсил қиқоя қилувчи материаллар ҳам ўрин олган. «Китоб. Рецензия. Мулоҳаза» рубрикаси остида мақолалар, шунингдек «Секретарлик ишининг тажрибаси ҳақида»ги мақола, Узбекистон Рессомлар союзининг кўргазма залига қўйилган асарлар репродукциялар, фотожурналистларнинг асарларидан намуналар билан ҳам танишиш мумкин.

## ЯЙЛОВЛАР ЯШНАЙДИ

Қорақалпоғистоннинг Аспантой массивини ўзлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Массивни сув билан таъминлаш, кенг ўтлоқларни суғориш учун зарур тадбирларни амалга ошириш кенг кўламда амалга оширилаётир.

Бу ерда йирик чорвачилик комплексларини барпо этиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Массивдаги барча майдонларда кўп йиллик маданий ўтлоқлар вужудга келтириш учун шароитнинг мавжудлиги шундай ишларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Яқинда бу улкан массивни электрлаштириш лойиҳаси тасдиқланиб, «Узсельэлектрострой» трести автоном республика ташкилотига топширилди. Лойиҳа бўйича 24 километр масофада электр узатиш линияси қисқа муддат ичида барпо этиладиган бўлди. Бу муҳим ишни трестнинг Пўлат Собиров бошлиқ монтажчилар бригадаси амалга оширишга киришди.

Шу кунларда бу масофа оралиғида бунёд этиладиган электр тармоғини қуриш ишлари қизғин тус олиб кетди. Янги электр трассасининг устунлари учун пойдеворлар бунёд этиш тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

Яқин кунлар ичида Аспантой массиви автоном республиканинг катта чорвачилик комплекслари билан таъминланади.

## РАДИОТИНГЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Шу йил май ойида Узбекистон радиоси ўзининг 50 ёшини нишонлайди. Республика партия ташкилоти раҳбарлигида радиоэшиттириш шу давр мобайнида шонли ва шарафли йўлни босиб ўтди ҳамда оммавий ахборот ва пропаганданинг қудратли воситаларидан бирига айланди.

Бўлажак юбилей муносабати билан колхоз ва совхозларда, саноат корхоналарида, илмий муассасаларда радиотингловчиларнинг конференциялари бўлиб ўтяпти. Ана шундай конференциялар яқинда Жиззах районидаги Навоий номли колхозда ва Сирдарё областининг йирик хўжалиги— 1-«Боёвут» совхозида бўлиб ўтди. Узбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети раисининг ўринбосари Р. Раҳмонов ҳар иккала йиғилиш қатнашчиларига республика радиосининг ярим аср мобайнида босиб ўтган шонли йўли ҳақида ахборот берди.

Конференцияларда сўзга чиққан Навоий номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Камол Азимов, юқори ҳосилли бригада бошлиғи Ортикбой Раҳматов, 1-«Боёвут» совхозининг директори Содиқжон Отаҳонов, донгдор механизатор, СССР Давлат мукофотининг лауреати Абдусамад Саидмуродов, Ростовский номидаги 12-ўрта мактаб директори Аъзамхон Жуманазаров ва бошқалар қоғозсиз ва масофасиз газетанинг кундалик маданий ҳаётимиздаги тутган ўрни ҳақида фахрланиб гапириб, радиоэшиттиришларнинг савиясини янада ошириш, тематик доирасини кенгайтиришга оид қимматли маслаҳатларини бердилар.

# Оламда нима гап

## СОВЕТ—АМЕРИКА МУЗОКАРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*Чет эл матбуотининг ёзганлари*

**КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг АҚШ давлат секретари С. Вэнс билан Москвада ўтказган музокаралари ва А. А. Громиконинг шу музокаралар тўғрисида чет эл матбуотида кўпгина фикрлар билдирилди. Фикрларда Совет Иттифоқининг музокаралардаги конструктив позицияси қайд этилмоқда. Американинг Владивосток ҳаднномасини ревизия қилиш йўлидаги уринишини Совет Иттифоқи рад қилганлиги, зеро АҚШнинг таклифлари Қўшма Штатларнинг ўзига устунлик олишга қаратилганлиги ўқтириб ўтилмоқда. Матбуотда, шунингдек бир қанча мамлакатлар давлат арбобларининг нутқларида Америка маъмуриятининг ўзининг позиция танқид қилинмоқда.**

Польшадаги «Жиче Варшави» газетасининг ёзишича, ҳамкорликда ҳамжиҳатлик, иккала томоннинг холис нияти, иккинчи томонга нисбатан ҳурмат ва ишонч бўлиши зарур. Совет Иттифокининг ҳамма ана шу проблемаларга конструктив тарзда ёндашаётганлигини АҚШ томони қўллаб-қувватламади, деб таъкидлайди газета.

Чехословакиядаги ЧТК агентлигининг ўқтириб ёзишича, Америка президентининг стратегик қурол-яроғларни чеклаш масалаларидаги позицияси «Америка Қўшма Штатларининг ўзи учун устунликка эришиш мақсадини кўзлаган»лигини унинг ўзи матбуот конференциясида айтиб берди. «Бу нутқ пропаганда тусида бўлиб, битимга эришиш мақсадини назарда тутмаган эди», деб таъкидлайди агентлик.

«Нойес дойчланд» газетасининг қайд этишича, Совет Иттифоки С. Вэнс билан ўтказилган музокараларда ўзининг ишчил ва тинчликсевар йўлини, кескинликни юмшатишни давом эттириш йўлини яна бир карра тасдиклади.

Америкадаги «Вашингтон стар» газетаси АҚШнинг Москвадаги музокараларда тутган позициясини шархлаб, қуйидагиларни уқтиради: «Қуроллар устидан контроллик қилиш проблемалари билан шуғулланувчи баъзи бир америкалик мутахассислар АҚШнинг стратегик қурол запасларини анча кискартириш тўғрисидаги таклифи, афтидан, Қўшма Штатларнинг Совет Иттифоқи билан тезрок бир битимга эришишдан кўра, куролсизланишга интиляпмиз деган таассурот туғдириб, пропаганда соҳасида кўпроқ манфаат кўришига имкон беришга мўлжалланган эди, деган мулоҳазани айтмоқдалар.

Президентнинг «пакети»да, деб ёзади «Нью-Йорк таймс» газетаси, баъзи бир элементлар бор эдики, уларни Москва рад қилишини олдинданок айтиш мумкин эди. Ҳаракатчан совет ракеталарини жойлаштиришни тўхтатиш, Совет Иттифокининг баҳсли бомбардимончи самолётини чеклаш ва умумий стратегик запасларни, шунингдек оғир ракеталар категорияларини кескин қисқартириш тўғрисида Қўшма Штатлар ўртага қўйган таклиф ана шундай элементлар жумласига киради, деб ёзади газета.

«Нью-Йорк таймс» газетасининг обзорчиси Мидлтон Вашингтондан юборган хабарида «Пентагондаги расмий кишилар, Қўшма Штатлар қуроллароғларнинг учта системасини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришни тезлаштириши мумкинлигини айтдилар, деб таъкидлайди. Ҳозир ишлаб чиқилаётган энг ҳаракатчан ракета потенциал жиҳатдан муҳим эканлигини манбалар кўрсатиб турибди. «В-1» стратегик бомбардимончи самолёт билан «Трайдент» сувости кемаси шу қурол-яроғларнинг бошқа икки туридир».

Пентагоннинг шу режалари муносабати билан СССР ташқи ишлар министрининг, башарти бирон кимса шу йўлга ўтса, бу ҳаракатларнинг оқибатлари учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олган бўлур эди, деган огоҳлантиришига эътиборни жалб қилмоқдалар.

**Америка Қўшма Штатларида кенг жамоатчиликнинг қуроллариш пойгаси ҳамда қимматга тушадиган янги қурол-яроғларни ишлаб чиқаришга қарши кураши тобора кенгайиб бормоқда. Чунки, мамлакатда қурол-яроғларнинг янги хилларини ишлаб чиқишга кўплаб маблағлар ажратилмоқда. Бу эса меҳнаткаш халқнинг ғарданига оғир юк бўлиб тушмоқда. Суратда: Вашингтон аҳолиси «Қуролланиш пойгаси тўхтатилсин!» деб талаб қилмоқда. Камер пресс—ТАСС фотоси.**

## СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

### «МЕҲНАТДАГИ ПОЛЬША—СОВЕТ ҚАРДОШЛИГИ»

Ана шундай шиор остида Польша — Совет дўстлиги жамияти бош правлениеси, «Ксёнжка и ведза» нашриёти, Польша ёзувчилари бош правлениеси ва касаба союзлари Марказий Совети томонидан Польшада адабий конкурс эълон қилинди.

Конкурсга турли жанрдаги асарлар: 1918 йилдан шу кунгача бўлган даврни қамраб олган ҳикоялар, репортажлар, романлар, эсдаликлар юборилиши мумкин. Конкурс якунлари Польша тикланган кун — 1978 йилнинг 22 июлида маълум бўлади.

### ҚОРА ДЕНГИЗ ОРҚАЛИ КЎПРИК

1978 йилда Қора денгизнинг икки порти: Одесса яқинидаги Ильичёвск ва Варна ўртасида паром алоқаси очилади.

Улкан кўприк йирик икки совет ва икки болгар паромларига хизмат қилади. Темир йўл вагонлари юқори палубада 3, ўртада 4, пастда эса 3 қаторга жойлашади. Ҳар бир паром 108 та 80 тоннали вагонларни олиб ўтиши мумкин. Маҳсус лифт эса вагонларни бир палубадан иккинчи палубага ўтказади.

Ҳозиргача жаҳонда энг катта паром линияси Финляндия — Ғарбий Европа линияси ҳисобланади. Лекин унинг кемаси ўз бортига 60 вагон олади.

### КИМ ЧАК НОМЛИ ЗАВОД

Ким Чак номидаги металлургия заводи КХДР қора металлургия саноатининг байроқдори ҳисобланади.

Ҳозир СССР ёрдамида корхона кенгаймоқда ва реконструкция қилиняпти. Пўлатни доимий қуйиш қурилмалари, прокат ва бошқа янги цехлар қурилиб ишга туширилди. Улар совет асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. (АПН).

## БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, ВЕНГЕР ДЎСТЛАР

1 апрель куни Тошкентда Венгрия фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 32 йиллигига бағишланиб жамоатчилик вакилларининг йиғилиши бўлди.

Йиғилиш қатнашчилари социалистик қурилишда венгер дўстларга янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар. Венгрия—Совет дўстлиги жамиятига табрикнома юборилди. (ЎзТАГ).

# ХАЛҚАРО ОБЗОР

## МЕҲНАТ АҲЛИНИНГ ҚАРДОШЛИГИ

Социалистик мамлакатларда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги байрамига тайёргарлик ишлари кенг авж олиб кетди .Социалистик мамлакатлардаги коммунистларнинг ва барча меҳнаткашларнинг Улуғ Октябрь ғоялари ва мақсадларига чексиз садоқати ҳамда Октябрь Ватани— Советлар мамлакатига ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига буюк иззат-ҳурмати қардош коммунистик ва ишчи партиялар Марказий Комитетларининг шу шонли санага бағишланган қарорларида ўз ифодасини топди. Бу қарорларда социалистик мамлакатлар меҳнаткашлари Октябрнинг 60 йиллигини кутиб олиш учун бажарадиган конкрет ишлари белгиланган. «Октябрь революцияси бутун Россия ишчиларининг, меҳнаткашларининг Коммунистик партия раҳбарлигида кўрсатган чексиз жасорати бўлди», — дейилади Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг қарорида.

Қардош партиялар халқларни эксплуатация ва асоратдан халос қилиш даврини очиб берган Октябрь революциясининг буюк халқаро аҳамиятга эга эканлигини якдиллик билан таъкидламоқдалар. Улар ўз фаолиятида КПССнинг социализм қурилишидаги тажрибасидан фойдаланиб зарур эканлигини уқтириб ўтмоқдалар. Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг қарорида бундай дейилган: революцион —ўзгартирувчилик фаолиятининг бой тажрибасига эга бўлган КПСС «коммунистик ва ишчи партиялар учун ёрқин намуна бўлиб хизмат қилмоқда, жаҳон социалистик ҳамдўстлиги ва халқаро коммунистик ҳаракат бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга жуда катта ҳисса қўшмоқда».

Социализм социал-иқтисодий тузумнинг муштараклиги билан халқларни бирлаштиради. Бу тузум халқларнинг эксплуатация ва жабр-зулмдан халос бўлишини таъминлайди. Социалистик тузум турли мамлакатлардаги халқларнинг ўз бахт-саодати, фаровонлиги йўлида биргаликда меҳнат қилишлари учун объектив заминларни вужудга келтирди ва социализм мамлакатларининг халқлари ўз муваффақиятлари билан фахрланмоқдалар. Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети, ГДР Давлат Кенгаши ва Министрлар Совети, Миллий фронт кенгашининг республика халқига қилган мурожаатида қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: «Энг қудратли социалистик давлат —Совет Иттифоқи КПСС ва унинг Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитети раҳбарлигида КПСС XXV съезди белгилаб берган йўлдан коммунизм сари олға бормоқда. Унинг муваффақиятлари, қудрати ўзининг асосий кучи бўлмиш Совет Иттифоқи тевирагига бирлашган социалистик мамлакатлар ҳамдўстлигини мустаҳкамловчи ва гуллаб-яшнатувчи ҳал қилувчи омилдир».

Турли мамлакатлар ишчиларининг Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига ташаббус кўрсатиб, меҳнат мусобақасини ўтказаётганлиги социалистик мамлакатлар халқларининг миллий ва интернационал манфаатларини бирга кўлиб олиб бориш натижасидир. Бу — инсоният тарихида тамомила янги воқеа бўлиб қолди. Венгриянинг «Қизил Чепель» корхонасида бошланган меҳнат мусобақаси ана шу мамлакатлардаги минг-минглаб корхоналар, миллионларча меҳнаткашлар орасига кенг ёйилди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қизил Чепель» коллективига йўллаган табрикномасида бундай дейилади: чепелликларнинг ташаббуси «коммунистик қурилишнинг КПСС XXV съезди қабул қилган улуғвор планларини муваффақиятли амалга ошираётган совет кишиларининг меҳнат ғайрат-шижоати билан қўшилиб кетди».

Меҳнат аҳлининг жаҳон миқёсидаги қардошлигини эълон қилган Октябрнинг буюк ғоялари тўғри эканлиги ҳозирги пайтда шу тарзда тасдиқланмоқда.

## ХАЛҚЛАР БИРДАМЛИК БИЛАН КУЧЛИДИР

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти шу йил ўзининг 20 йиллигини нишонлайди. Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти шу давр ичида мустақиллик, демократия, социал тараққиёт ва ер юзида тинчлик учун қурашда ҳар икки қитъадаги антиимпериалистик кучларни жипслаштирувчи муҳим воситага бўлиб қолди. Шу ташкилот президиумининг яқинда Котонуда бўлиб ўтган сессияси ҳам буни тасдиқлади.

Котонудаги учрашув империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка, ирқчилик ва апартеидга қарши кураш проблемаларига, сотқинларни ёллаш каби жиддий проблемага жаҳон жамоатчилигининг эътиборини яна жалб этди. Ғарб давлатлари сотқинларни ёллаб, улардан ривожланаётган мамлакатлардаги тараққиётни тўхтатиш ва Африка қитъасидаги озодлик курашининг муваффақиятларига тўсқинлик қилиш учун фойдаланмоқдалар.

Сессия Бенин Халқ Республикасида ўтказилганлиги диққатга сазовордир. Африкадаги бу мамлакат социалистик йўл тутганлигини эълон қилди. Маълумки, империалистларга ёлланган сотқинлар, реакцион кучларнинг малайлари бу республикадаги тараққийпарвар режимни ағдарқб ташлашга уринибб, январь ойида бу республикага хиёнаткорона агрессия қилган эдилар. Шу боисдан Котонудаги учрашув қатнашчилари Бенин халқи билан бирдам бўлишга чақирганлиги бежиз эмас. Сессия ирқчиларнинг ва уларнинг Ғарбдаги ҳомийларининг Зимбабве халқига сохта мустақилликни қабул қилдириш йўлидаги уринишларини ҳам қоралади ва Зимбабве халқининг адолатли курашини, шунингдек Жанубий Африка Республикаси билан Намибия ватанпарварларининг курашини қўллаб-қувватлади.

Осиё ва Африкадаги қирқдан зиёд мамлакатлар жамоатчилигининг вакиллари шу қитъалардаги халқларнинг социалистик мамлакатлар халқлари билан биргаликда ҳаракат қилишлари зарур эканлигини таъкидладилар. Социалистик мамлакатлар миллий озодлик ҳаракатлари ва революцион ҳаракатларнинг табиий иттифоқчиларидир. Бенин Халқ революцияси партияси Марказий Комитетининг Раиси, Бенин Халқ Республикасининг Президенти М. Кереку бундай деди: биз Осиё, Африка, Латин Америкаси, социалистик давлатларнинг халқларини ва капиталистик мамлакатлардаги тараққийпарвар доираларни бирлаштирадиган кенг антиимпериалистик фронтни вужудга келтиришга интилишимиз керак. Сессия қатнашчилари Америка империализми ва халқаро сионизмнинг араб халқлари бирлигини бузиш ва уларнинг социалистик давлатлар билан муносабатларига путур етказишга қаратилган фитнасини қораладилар.

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти президиуми «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида» махсус резолюция қабул қилди. Бу революция, — дейилади шу ҳужжатда, — инсониятнинг революцион, прогрессив тараққиётида янги даврни — миллий озодлик революциялари даврини, жабр-зулм ва эксплуатациядан халос бўлган янги дунёни барпо этиш даврини бошлаб берди».— Сессияда сўзга чиққан кишиларнинг ҳаммаси Октябрни ва унинг улуғ йўлбошчиси В. И. Ленинни, Совет Иттифоқининг актив антиимпериалистик сиёсатини ва унинг халқларни озод қилиш ишига жуда катта ҳисса қўшаётганлигини тилга олди.

Котонуда ўтказилган сессия Осиё ва Африка мамлакатлари аҳолисининг турли табақаларини тинчлик, демократия ва социал тараққиётга сафарбар этувчи бирдамлик ҳаракатининг ҳаётийлиги ва нуфузини намойиш қилди.

Л. ЛАТИШЕВ,
В. КОРОЧАНЦЕВ.
(ТАСС).






# ФОТООБЪЕКТИВДА— «ОЛИМПИАДА-80»






Москвада жаҳон спортчиларининг йирик анжумани— олимпиада мусобақалари ўтказишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Яна уч йилдан кейин старт оладиган «Олимпиада-80» баҳслари янги бунёд этилган ва қайта қурилган спорт иншоотларида ўтказилади. Олимпиада ташкилий комитети биноси Горький кўчасида жойлашган (1-сурат). Лужникидаги В. И. Ленин номли марказий стадион қиёфаси ҳам ўзгаради. Катта ва кичик спорт аренаси, сузиш бассейни, спорт саройидан иборат бу комплекс янада кенгайтирилади. Стадион атрофига универсал спорт зали қурилади. Катта спорт аренаси эса, 103 минг томошабинга мўлжалланган бўлиб, замонавий югуриш йўлкаларига эга (2-3-сурат). Янги қурилаётган универсал спорт залининг макет ҳолдаги кўриниши (4-сурат) ана шундай бўлади. Мазкур спорт зали қурилишида (5-сурат).

Таллинда сув спорти турлари бўйича мусобақалар ўтказиш кўзда тутилган. Елканли спорт маркази ана шундай (6-сурат) кўринишни олади. Шу кунларда спорт марказининг қурилиши қизғин давом этмоқда. (7-сурат). Пойтахтнинг Ленин проспектида қад ростлаётган Туристлар уйи 1300 кишига мўлжалланган бўлиб, 32 қаватни ташкил этади (8-сурат). Мир проспектида қуриладиган «Интурист» меҳмонхонасининг макет ҳолдаги кўриниши (9-сурат). 25 қаватли бу бино нелажанда 3500 кишини бағрига олади.

# ҚУЙ ОҒЗИДАН ЧЎП ОЛМАГАН...

*Фельетон*

Тасаввур қилинг: ёғоч, тахта тўлиб-тошган қоронғи омбор. Кимдир тахта ғарами орасида ғимирлаб пул санайди: «Ҳа, кечаги ўлжа чакки бўлмади, буёғига ўғриларнинг пири мададкор бўлсин!», деб шивирлайди. «Хумпар Хўрозни айтаманда, зап учар чиқди-да, бу жўжахўроз... Бошига тож чиқмай туриб, мендан орқада қолгиси келмайди-я. Сен жўжахўроз бўлсанг, мен туяқуш бўлай, укам. Ҳа, сендай бир-икки қичқириб бошини еб кетган хўрозчаларнинг қўпини кўрганмиз. Сени учганда ҳам орқада қолдираман, қочганда ҳам. Жўжахўроз бўлсанг ўзингга, туяқушман...».

— Туф-туф-е, деб бирдан ёқасига туфлаб қолди Зиёдулла Худоёров тахта ғарами ортидан лоп этиб чиқиб қолган омбор мудири Хўроз Тошқуловни кўриб.— Одам деган сал овоз бериб келади-да, Хўрозвой ука. Жа бўлмаса секингина қичқириб юборинг. Қолаверса, кечаси бу ерда нима қилиб юрибсиз, бемаҳал овга чиққан хўроздай? Қўноғингизни тополмаяпсизми?

— Кечирасиз, устоз, — деди Хўроз Тошқулов дами ичига тушиб — Ўзим, шундай, сизни соғиниб...

— Очғини айтавер, Хўрозвой ука, ҳаммасини биламан Туянинг дарди янтоқда деганларидек, икковимизнинг ҳам дардимиз бир-ку, нима дединг? — тамшанди Худоёров оғзига қанд солган боладай.

— Одамнинг ичисиз-да, Зиёдулла ака, — Тошқулов тош бўлиб кетган юрагини оча бошлади, — шу десангиз, кеча 4-бўлимда яшовчи Худойқул Суюновга 2 кубометр гарбил тахтани сиздан бесўроқ бериб юборгандим. Уришмайсиз-да, акажон.

— Отангга ҳам бепул бермассан, — мўғомбирона кўз қисди Худоёров.

— Бор-йўғи 66 сўм, — кенг таноб отиб кулди Хўрозвой. — Шу нархда ютиб турсак, сизга ҳам, бизга ҳам етади. Бригадиримиз Облоқул Қиличевга ҳам чўтал қолади.

Омбор мудиридан қўнгли тўлган Зиёдулла Худоёров бугун тунда сотилиши керак бўлган қурилиш материалларининг ҳисобини ола бошлади. Шу совхознинг 1-бўлимида яшовчи Раҳмонов Файзулла 3 кубометр гарбил, 3 кубометр тахта, 5 дона хода-ёғоч, 60 дона страфелани санаб, «бугун жойингни топасан, жойинг жаннатдан бўлсин» дегандек кўз остига олиб қўйди. Ундан олган 600 сўм бели қисирлаган ўнталиклар турган чап чўнтагини қоронғида пайпаслаб, мамнун жилмайиб қўйди.

Шу пайт томоқ қириб бригадир Облоқул Қиличев ҳам келиб қолди. У кишини қурувчилар тилида десятник дейишади. Ўзлари ўн кишига бошлиқ бўлсалар ҳам, юз сўмликдан бошқасини тан олмайдилар. Дидиннга балли, десятник!

— Уф-ей, 47 дона тахта, 57 дона гарбилни ютгунча жоним ҳалқумимга келди-я, — деб ҳасрат қилиб қолди Қиличев.

— Унча-мунча тахта-ёғоч бир ичагингга ҳам юқ бўлмас-ов, — лўмма ташлади омбор мудири. — Ютишга келганда сенга тараф йўқ.

— Ҳа энди, сизлардан ўрганамиз-да. Бунинг эвазига тўрттагина юзталикни санаб олиб, тўрт сўмини қоровулга ширинкомага бердим.

Олғирлар шу кечаси алламаҳалгача хомталаш бўладиган янги ўлжалар устида узоқдан-узоқ мароқли баҳс қурдилар. Иштаҳалари қўзғаб «шу омборни ютмаган номард» деб онт ичдилар. Уч оғайни ботир қўлни-қўлга ташлаб, дилдаги сирни тилга, омбордаги гапни кўчага чиқармаслик устида оғиз-бурун ўпишиб сўз бердилар.

Олғирларнинг тунги қўл олишувига биноан совхозда қурилаётган болалар боғчаси, турар-жой бинолари, ҳаммом, озуқа цехи ва ғалла омборига сарф қилинмаган материалларни «сарф қилинди» деб актлаштиришга киришдилар. Актлар кетидан актлар тузилди. Лекин олғирлар ўпқони унчамунчага тўлмасди. Қисқа муддат ичида Булунғур районидаги Навоий номли совхоз қурилиш участкасининг бошлиғи Зиёдулла Худоёров, десятник Облоқул Қиличев ва омбор мудири Хўроз Тошқуловлар давлатнинг 11.410 сўмлик қурилиш материалларини ўнталик ва юзталик қилиб чап чўнтакка уришди. Қурилишдаги олғирларнинг ўпқони очилгандан очилиб кетиб, тахта борми, хода борми, бало-баттар борми, бир бошидан қўндаланг юта бошлади. Ана шу йўл билан Зиёдулла Худоёровнинг ўпқонига ҳаш-паш дегунча 10 кубометр тахта, 13.5 кубометр гарбил, 4,5 кубометр ёғоч, 3800 дона пишган ғишт, 100 дона шифер, 46 дона фанера, 140 дона тунука ва яна бир қанча узунқисқа михлар ўтиб кетди. Шундай қилиб давлатнинг қариб 6,5 минг сўмлик қурилиш материаллари бирғина прорабнинг ўпқонига кўндаланг тушди.

Прорабнинг шогирдлари ҳам «кўндаланг ютиш» мусобақасида ўз устозларидан ўзса-ўздиларки, ҳарқалай ортда қолмадилар. Шогирд устоздан ўзиши керак деб шунга айтсалар керак. Облоқул Қиличев билан Хўроз Тошқуловлар ҳам тахта-сахта, хода-пода дегандек камёб нарсаларни вагон-пагони билан гум қилиб, «бизга яна хизмат борми» дегандай қўлни қовуштириб туришарди.

Эндиги хизмат район прокуратурасининг зиммасига тушди. Кимнинг ўпқонига қанча тахта, қанча хода кетганини ҳисоб-китоб қилиш осон бўлмади. Ҳужжатлар устига ҳужжатлар, гувоҳлар устига гувоҳлар. Бироқ, уч оғайни олғирларнинг пинаги бузилмасди. Ҳар қандай саволга қисқа қилиб, «ютганмиз, акаси жонидан, ютганмиз» деб қўя қолишарди. Бундай хотиржамликнинг сири қаерда? Кимга ишониб «ютишган»?

Навоий номли совхоз раҳбарлари ва шахсан совхоз директори Н. Турдиев, бош бухгалтер У. Тоғаймуродов ўртоқлар тахтафуруш ва ходафурушларни роса мақтаб, «қўй оғзидан чўп олмаган» қилиб кўрсатдилар. Чунончи, уларнинг ёзма ва оғзаки баёнотларига кўра, уч оғайни олғирлар бузоқнинг ҳақи бор деб сигирнинг сутини ичишга ботинмайдиган поқдомону-сокдомон эмишлар.

— Фактлар-чи? Ҳужжатлар-чи? Гувоҳлар-чи? Тахталар, ходалар-чи?! Буларга нима дейсиз?

Совхоз раҳбарлари, афтидан, бундай саволга жавоб беришни хаёлларига келтиришмаган шекилли, ҳақиқат олдида каловланиб қолишди. Во ажаб, бу хўжаликда нималар бўляпти ўзи? Совхоз раҳбарлари нега тўғриликни қўйиб, ғўриликни ҳимоя қилиб юришибди? Энг ажабланарли жойи шундаки, «қўй оғзидан чўп олмаганлар»нинг каромати шунчалик бўлса, бошқаларнинг ҳунари қандай экан?

Тахтафуруш олғирлар-ку ўз жазосини олишди, тавбасига таянишди. Бироқ улар ютган минг-минг сўмлик тахта-ходаларда аллакимларнинг ҳам беминнат хизмати бор кўринади. Ахир, бирғина хўжаликда кимлардир тахта борми, хода борми, мих борми, шифер борми, дуч келганни ютиб, давлат омборини ўпириб ётса-ю, наҳотки буни ҳеч ким пайқамаса? Ёки «кўндаланг ютиш» қўй оғзидан чўп олишга кирмасмикан? Олғирлар қўй оғзидан чўп олганми-йўқми, бунинг биз учун аҳамияти йўқ. Лекин бир нарса аниқки, улар ҳар қандай ҳисори қўйга дуч келганда ҳам оғзидаги чўпи тугул ўзини ҳам кўндаланг ютиб қўя қолишади. Бунга биз кафил.

Ким билади, уларнинг ҳомийлари ўшанда ҳам «ютса ютгандир, лекин оғзидан чўпини олмагани рост» деб даъво қилишармикин-а?!

**А. МАЛЛАЕВ,**
Булунғур район прокурори.

**Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ,**
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ТУРИЗМ

# ПАХТАКОР УЛКА МЕҲМОНЛАРИ

**Эртага Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон шаҳарларида чет эл туристларини қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан банд кишилар, «Интурист» агентликларининг мудирлари ҳамда бўлим бошқарувчиларининг семинар-кенгаши иш бошлайди. Шу муносабат билан мухбиримиз республика Министрлар Совети ҳузуридаги чет эл туризми бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ж. МИРФАЁЗОВ билан учрашиб, Ўзбекистонда чет эл туризмининг равнақи ва истиқболи хусусида сўзлаб беришни илтимос қилди.**

— Партия ва ҳукуматимиз Совет Иттифоқининг чет мамлакатлар билан туристик алоқаларини ривожлантиришга тобора кўпроқ аҳамият бермоқдалар. Етмишинчи йиллар мамлакатимиз тарихида туризмнинг энг ривожланган даври бўлиб қолади, десам муболаға бўлмас. Жаҳонда тинчлик учун кураш самаралари, кескинликни юмшатиш борасида қўлга киритилаётган ютуқлар мамлакатлар ўртасида ўзаро туристик алоқаларнинг янада яхшиланишида муҳим роль ўйнамоқда. Йилига 215 миллиондан зиёд киши турли мамлакатлар, одамлар ва халқлар турмуш тарзи билан яқиндан танишиш учун сафарга чиқмоқдалар. Туризм халқлар ўртасида дўстликнинг мустаҳкамланишида, маданият-санъат соҳасидаги ҳамкорликнинг яхшиланишида ажойиб воситадир.

Пахтакор республикамиз ҳам мамлакатимизда чет эл туризмининг ривожланишида муҳим роль ўйнаяпти. Йилига Европа, Осиё, Африка, Латин Америкаси мамлакатларидан Совет Ўзбекистони шаҳарларини кўриш учун минглаб туристлар келмоқдалар. Ажойиб замонавий шаҳарларимиз, обод қишлоқлар, кенг тармоқли колхоз ва совхозлар, поёнсиз пахта майдонларию саховатли боғлар, оромбахш тоғлар, минг йиллик тарихга эга бўлган меъморчилик санъати намуналари ўлкамизга ташриф буюрган меҳмонларни мафтун этмоқда.

— Кейинги йилларда Ўзбекистонда чет эл туризмини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан «Интурист»нинг моддий базаси ҳар жиҳатдан бойиди ва мустаҳкамланди. Жами 1700 туристни бағрига оладиган кўп қаватли «Ўзбекистон», «Самарқанд» ва «Бухоро» меҳмонхоналарининг фойдаланишга топширилиши фикримизнинг далили. Бу меҳмонхоналарда туристларга хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар мукаммал. Меҳмонхона, ресторан ва автотранспорт ишчи-хизматчилари ҳам туристларга меҳмоннавозлик кўрсатишда тажриба орттиришди. Шунингдек туристларни кутиб олувчи ва сафар чоғида уларни кузатувчи гид-таржимонларнинг ҳам профессионал маҳоратлари ошди. Жумладан, республикамизнинг «Интурист» бўлим ва агентликларининг таржимонларидан В. Сержантов, Л. Фозилбоева, В. Баязитова, М. Аҳмедова каби ходимлари меҳмонлар билан маданий муомалада эътибор қозонишмоқда.

Бундан бир неча ўн йил бурун чет элда Совет Ўзбекистони ҳақида одамлар етарли тасаввурга эга эмасдилар. Зеро, туризм, республика пойтахтида ўтказилаётган турли халқаро учрашув ва тадбирлар туфайли, бир пайтлар чор Россиясининг қолоқ ўлкаси бўлган Ўзбекистонни бир бор кўришга қизиқувчилар сафи кенгайиб бормоқда. Агар эллигинчи йиллар бошида юзга яқин турист ўлкамизга ташриф буюрган бўлса, 1962 йилга келиб саёхатчилар 2,5 мингга етди. Ўтган йили эса, республикамизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч ва Фарғона шаҳарларини 60 дан зиёд мамлакатнинг юз мингдан ортиқ туристи келиб кўрди.

Қутлуғ сана нишонланадиган йилда ўтган йилдагига қараганда бир ярим баробар кўпроқ туристларни республикамизда меҳмон бўлиши кўзда тутилган. Демак, туристларни кутиб олиш ва уларга маданий хизмат кўрсатиш билан бир қаторда ўлкамиз шаҳарлари ҳақида қиҳося қилувчи рангли китобчалар босиб чиқаришни тағин ҳам кўпайтириш, оммавий ахборот воситаларидан кенгроқ фойдаланишга тўғри келади. Бугунги кунда 30 дан зиёд номда социалистик мамлакатлар халқлари ҳамда инглиз, немис, француз, араб, япон ва ҳинд тилларида чоп этилган жами 1 миллион 116 минг нусхадаги реклама-информация нашрларига эгамиз. Юбилей муносабати билан бундай рисолакитобчалар янада кўпайтирилади.

Яқин вақтлар ичида Урганчда «Хоразм» меҳмонхонаси ҳам туристларни қабул қила бошлайди. Шаҳрисабзда ҳам янги меҳмонхона қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Самарқанд областининг Омонқўтон деган тоғлик ерида туристлар учун дам олиш зонаси бунёд этилмоқда. Юбилей муносабати билан Совет ҳокимияти йилларида вужудга келтирилган саноат корхоналари, колхоз ва совхозлар, маданият ва санъат масканлари каби объектлар билан туристларни таништириш кўзда тутилган. Ўйлаймизки, Октябрь юбилейи нишонланадиган кезлар пахтакор ўлкага ташриф буюрган меҳмонлар Совет Ўзбекистони ҳақида бой таассуротлар билан қайтадилар.

# АХБОРОТ
ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР

ФАРҒОНА

## Янги цех

Гўшт комбинатида янги цех фойдаланишга топширилди. Суяк талқонини қуритувчи автомат агрегатлар муваффақиятли ишлай бошлади. Ҳозир бу агрегатлар ёрдамида янги хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилянти. Молларни тез семиртиришда юқори калорияли бу қимматбаҳо озуқа чорвадорларга қўл келиб қолди.

**Т. ҲАМИДОВ.**

НАМАНГАН

## Шогирд ва устоз беллашуви

— Улуғ Октябрнинг 60 йиллик тўйигача тўрт йиллик маррага етаман!

«Э-652 Б» экскаватори машинисти Умарали Қурбоновнинг бу аҳди «Наманганводстрой» трести бўйлаб тез ёйилди. Моҳир экскаваторчи Катта Наманган каналининг 2-навбати қурилишида меҳнат қилаётган устози Олимжон Сатторовни мусобақага чақирди. Ҳозир Умарали Қурбоновнинг меҳнат календарида 1978 йилнинг ноябрь ойи бошланди.

**Т. СУЛАЙМОНОВ.**

ЖИЗЗАХ

## Меҳнат эстафетаси

«Иржарсовхозстрой» трести коллективи Улуғ Октябрь шарафига меҳнат, маданият ва спорт эстафетаси ўтказишга қарор қилди. Унда меҳнат мусобакасини кенг қулоч ёйдириш, қурувчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, спорт ишларини жонлантириш кўзда тутилган. Эстафетани 5 за 32-механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари бошлаб беришди. Сўнгра навбат 10 ва 15-кўчма колонна коллективларига берилади. Эстафета шонли юбилей тантаналари кунларида якунланади.

**Н. МИРЗАЕВ,**
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

* * *

Шунингдек, самарқандлик **Х. Саматов, В. Журавский**, тошкентлик **В. Комилов, К. Раҳмонбердиев, У. Муҳаммедов**, сирдарёлик **А. Акромов, Э. Раҳимов**, наманганлик **Н. Холматов**, сурхондарёлик **Н. Қорақулов**, қашқадарёлик **А. Раҳмонов**, андижонлик **Р. Эгамов** ўртоқлар ҳам саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларидан турли хил мавзуда ана шундай хат-хабарлар йўллашган.

# АПРЕЛЬ

*ЯНГИ ШЕЪРЛАР*

Йиллар — замонанинг
Олтин кемаси.
Сени суронлардан олиб ўтади.
Лениннинг ўзидир унинг дарғаси,
Дунё йўлларидан ғолиб ўтади.
Йиллар— китоб.
Вақт — зар саҳифаси.
Узукнинг кўзидай ойлар унга боб.
Ундан уфуради давр нафаси.
Умр китобига битган ҳар ойнинг
Узгача хислати,
Фалсафаси бор.
Апрель латофати, зийнат-чиройи,
Оламга арзирли қаҳқаҳаси бор.
Дўстлар,
Календарда Апрель мен учун
Ойларнинг гултожи,
Улуғ, муқаддас.
Инқилобий бўрон,
Инқилобий йўл,
Давр чечаклари унга эш, пайваст.
Унда Маркс умрин бўлиб давоми
Асрим жиловкори очган кўзини.
Чақноқ юрагимга жойлаб дунёни
Кураш оташига урган ўзимни.
Апрель тезисларин ҳар бир жумласи
Бомбадай портлаги ёвлар сафида.
Вулқонли йўллардан давр кемасин
Ленин олиб чиқди тутиб кафтида.
Даврим фалсафаси бошланди шундан,
Шундан қудрат олди дўстлик баҳори.
Апрель саховати,
Илҳоми билан
Қўшиқлар куйла дер юрагим тори.

## ҲАЁТ ЎЙЛАРИ

Дўстим, ҳаётни деб туғилар инсон,
Ҳаёт яратади ўзи ҳам бунда.
Умр кураш билан этаркан давом,
Мен дейман яшашнинг қизиғи шунда!
Ҳаёт йўли узоқ,
Ҳар бир қадамда
Қанча сўқмоқлар-у довонлари бор.
Ундан заҳмат чекиб ўтган одамга
Бахт ва толе мудом бўлар экан ёр.
Ҳа, юрагим уриб тураркан ҳали,
Давр юкини манзилга элтиш мақсадим.
Бу йўлда сочларим оқарсин, майли,
Фарзандим орқамдан ташласин одим!

**Ашурали АҲМЕДОВ.**


Реклама ва эълонлар

## Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 3/IV да **Улиқ малика ва етти баҳодир ҳақида эртак** (кундузи). **Риголетто** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/IV да **Ўғирланган умр.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/IV да **Тўй муборак, қари қиз** (12.00).

## Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **дунёда ягона лилипутлар ревюси ищтирокида МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ** (11, 15 ва 19.30).

## Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Фердинанд Люснинг ҳаёти ва ўлими** (катта зал, кундуз ва кечқурун).

**Доктор Франсуаза Гайан** — «ҚОЗОҒИСТОН», «МОСКВА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

**Фердинанд Люснинг ҳаёти ва ўлими** — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

**Қизлар ва аёллар** — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

●

**Узбекистон ССР Фанлар академиясининг ЭЛЕКТРОНИКА ИНСТИТУТИ қуйидаги лабораториялар бўйича ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**ион ҳанглатиш физикаси:** мудир, катта илмий ходим (2 ўрин), кичик илмий ходим (5 ўрин);

**электрон эмиссия:** мудир катта илмий ходим, кичик илмий ходим (5);

**корпускуляр спектрометрия:** катта илмий ходим (2 ўрин), кичик илмий ходим (7 ўрин);

**устки ва усткига яқин ҳодисалар:** мудир, катта илмий ходим, кичик илмий ходим (4);

**материалларни ишлашнинг ион методлари:** мудир, катта илмий ходим, кичик илмий ходим (5).

**иккиламчи жараёнлар назарияси сектори:** мудир, катта илмий ходим, кичик илмий ходим (3).

**КОНКУРС МУДДАТИ — 18 АПРЕЛГАЧА.**

Ҳужжатлар директор номига қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри — 52, Обсерватория кўчаси, 85-уй.

●

**Узбекистон Фанлар академиясининг ФИЗИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ вакант вазифага КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**биохимия ихтисоси бўйича моддалар алмашуви физиологияси лабораториясига — катта ходим.**

**КОНКУРС МУДДАТИ—ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ 20 КУН.**

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700000, Тошкент шаҳри, 1-Жуковский тупиги, 47-уй.

●

«УЗКУЛЬТТОРГ» РЕСПУБЛИКА БАЗАСИДА

**13-27 апрель кунлари МАДАНИЙ-МАИШИЙ ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ, ГАЛАНТЕРЕЯ ВА СПОРТ БУЮМЛАРИНИНГ 1978 йилги УЛГУРЖИ САВДОСИ БЎЙИЧА ЯРМАРКА ЎТКАЗИЛАДИ**

**ЯРМАРКА ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ КЕЛИШИ ВА СТЕНДЛАРНИ БЕЗАШ 11-12 АПРЕЛГА БЕЛГИЛАНГАН.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Радость кўчаси, 5-уй.

Телефонлар: 96-72-61, 96-71-01.

**Узбекистон ССР Савдо министрлиги.**


*Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз*

## Телевидение

**3 АПРЕЛЬ**

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Заряднга сафланинг. 10.30 — **«Будильник».** 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 13.00 — **Музикали киоск.** 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — **Давр олга.** Бадиий фильм. 1-серия. 15.55 — **Бугун —геологлар куни.** 16.10 — **Геологларга бағишланган музикали программа.** 17.00 — Ёзувчи А. Толстой ижодиётининг саҳифалари. 17.50 — «Арфа торлари янграганда» (фильм-спектакль). 18.00 — **Халқаро панорама.** 18.30 — **Мультфильмлар.** 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — Концерт. 19.45 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 20.45 — «Агар севиб қолсам». Бадиий фильм. 22.00 — **Вақт.** 22.30 — Концерт. 23.25 — **Спорт программаси.** 00.10 — **Янгиликлар.**

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

10.10 — **Янгиликлар.** 10.20 — **Қуйланг, ёш ҳонандалар.** 10.50 — **Мультфильм.** 11.00 — **Тоғлар чорлайди.** Бадиий фильм. 12.20 — **«Ешлик».** 12.55 — Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун. 13.35 — Реклама. 18.00 — **«Диққат: шаҳарда сехргар».** Бадиий фильм. 18.55 — Концерт. 19.30 — **Бугун — геологлар куни.** 19.45 — **Ахборот.** 20.00 — Мусиқа жавони. 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — **Телеминиатюралар.** 22.00 — **Вақт** (Москва). 22.30 — Қишлоқ хўжалиги ишлари кундалиги. 22.45 — **Тоғларда ёз қисқа бўлади.** Бадиий фильм.

**ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

17.30 — Фрунзе кўрсатувлари.

**4 АПРЕЛЬ,**

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Гимнастика. 10.30 — **Олтин соч** (бадиий фильм). 12.00 — Мўъжизасиз — мўъжизалар. 15.35 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Н. А. Некрасов ва рус халқ қўшиғи. 16.30 — **Шахзода ва гадо** (бадиий фильм). 17.45 — Сиз яратган бог. 18.15 — **«Олтин шайба» совғини учун.** 19.00 **Янгиликлар.** 19.15 — Венгрия Халқ Республикаси телевидениесининг программаси. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Концерт. 23.10 — Пушкин ҳақида монолог. 24.00 — **Янгиликлар.**

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

10.20 — Табиатшунослик. 10.40 — Ҳужжатли фильмлар. 11.30 — Табиатшунослик. 13.00 — **Мультфильм.** 18.45 — **«Ишлар ижоди»,** Ўзбекистон Рассомлар союзи кўргазма залидан репортаж. 19.15 — Ҳужжатли фильмлар. 19.25 — Венгер халқининг миллий байрами. 19.45 — **Ахборот.** 20.00 — Камолот сари. (Озода Абдуллаева ҳақида кўрсатув). 21.00 — Ахборот. 21.20 — Ёзувчилар— ёзувчилар ҳақида. Мустай Карим, Шукрулло. 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — КПСС XXV съезди қарорлари ҳаётга. 22.45 — **Йилнинг тўққиз куни** (бадиий фильм).

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

19.05 — Болалар учун фильм. 19.25 — **Қирол ҳомийлари** (бадиий фильм, 1-серия). 20.35 — **Янгиликлар.** 20.55 — Енгилдан сақланинг. 21.15 — Совет давлати ва ҳуқуқ асослари. 21.45 — Олий математика.

## Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА 8.30 — О. Ҳаитова ва О. Отажонов куйлайди. 9.15 — **«Табассум».** 11.15 — Эрталабки салом (Москва). 12.10—**Узбекистон ишчиси.** 13.00 — Чорвачилик комплекслари — давр талаби. 13.30 — Геологлар, сизлар учун (концерт). 14.00 — 24 минг тонна пилла учун. 15.10 — Мактаб ва ҳаёт туркумидан эшитиришлар. 15.25 — **Геологларнинг талабларига биноан концерт.** 16.10— **Халқаро шарҳловчилар давраси**да (Москва). 18.30 — Рубобда Қ. Усмонов чалади. 19.00 — Бизнинг радиопочта. 19.20— **«ЕШЛИК»** радиостанциясининг программаси. 20.25 — Қувноқ тароналар. 21.00 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 22.00 — **«ТАБАССУМ»** (такрорий). 22.45 — Деҳқонга таъзим (вокал сюита). 23.15 — Лирика кечаси.


СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ — Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР: Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Р. 14270. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. — 77.